Kuch — bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan | 2003-yil 15-mart, shanba | № 21 (7526)

*Жорий йилнинг 15-16 январь кунлари "Йил ўқитувчиси — 2002" республика кўрик-танлови иштирокчилари пойтахтимиздаги 110-мактаб ўқувчилари ҳузурида очиқ дарслар ўтишди. Жумладан, танлов иштирокчиларидан бири — Бухоро вилояти Когон шаҳридаги 4-мактабнинг география фани ўқитувчиси Ойгул Боратова ҳам янгиликка интилувчан, назарий билимни ва услубиёт жиҳатидан маҳоратли эканини амалда намойиш этди. У 6-"Е" синф ўқувчилари эътиборига "Антрактика материгини ким кашф этган?", "У ерда доимий кучли шамоллар эсиб туради. Нима учун?", "Ушбу материкда тоғлар борми?" каби саволларни ҳавола этиб, уларни фаолликка ундай билди. Сўнгра баҳс-мунозара жараёнини усталик билан янги мавзуга улади: "Жанубий Америка". Жараёнда ёзувсиз карта ва тестлардан фойдаланилди. Асосийси дарсда ўқувчилар суст тингловчи эмас, фаол иштирокчи бўлишди.*

**Суратда: изланувчан муаллима Ойгул Боратова дарс пайтида.**

**Бурхон РИЗО олган сурат.**

## FARMON

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoniga ko'ra Abdulaziz Hafizovich Komilov O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Tashqi-siyosiy masalalar bo'yicha Davlat maslahatchisi etib tayinlandi.

* * *

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoniga ko'ra Sodiq Solihovich Safoyev O'zbekiston Respublikasi Tashqi ishlar vaziri etib tayinlandi.

## KENGASH YIG'ILISHI

Respublika Ma'naviyat va ma'rifat kengashining navbatdagi yig'ilishi bo'lib o'tdi. Yig'ilishni Bosh vazir o'rinbosari, mazkur kengash raisi H.Karomatov boshqardi. Yig'ilishda ma'naviy-ma'rifiy ishlarni zamon talablari darajasiga ko'tarish, milliy istiqlol g'oyasi asosiy tushuncha va tamoyillarini, mamlakatimizda amalga oshirilayotgan islohotlar mohiyatini xalqimiz o'rtasida keng targ'ib qilish bilan bog'liq dolzarb vazifalar muhokama etildi. Majlisda tashkiliy masala ko'rildi. Quddus A'zamov Respublika Ma'naviyat va ma'rifat kengashi mas'ul kotibi — "Ma'naviyat va ma'rifat" markazi rahbari etib saylandi.

Kengash yig'ilishida Prezidentning Davlat maslahatchisi X.Sultonov ishtirok etdi.

* * *

Shu kuni Respublika Ma'naviyat va ma'rifat kengashi huzuridagi "Oltin meros" xalqaro xayriya jamg'armasi boshqaruvining ham majlisi bo'lib o'tdi.

Majlisda tashkiliy masala ko'rildi. Amirqul Karimov "Oltin meros" jamg'armasi boshqaruvi raisi etib saylandi.

## SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

БОЗОРДАГИ БОЛАЛАРГА АЧИНАМАН
2-бет

ҲАЁТ ФАЛСАФАСИ
*ёхуд англаш қийин кечаётган муаммо*
3-бет

ЎҚУВЧИЛАР АТЛАС ВА КАРТАЛАР БИЛАН ҚАЧОН ТЎЛИҚ ТАЪМИНЛАНАДИ?
4-бет

УМИД БИЛАН ТУТИЛГАН ҚЎЛНИ СИЛТАМАНГ!
5-бет

ЧЎҚҚИЛАРГА БОШЛАР ОРЗУЛАР
*ёки бир экспедиция таассуротлари...*
7-бет

"АССАЛОМ, НАВРЎЗ"
*мусиқий адабий томоша кечасининг сценарийси*
8-9-бетлар

ФАНЛАР ОЛИМПИАДАСИ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ ҚАТНАШЧИЛАРИ РЎЙХАТИ
10-11-бетлар

**Buxoro viloyati, Olot tuman hokimiyati ham tuman maktablariga 200000 so'm mablag'ni maktab kutubxonalari uchun ajratgan. Xullas, kitob marafoni davom etmoqda.**



# БОЗОРДАГИ БОЛАЛАРГА АЧИНАМАН

Fikr

"Бирор жамият, давлат ёки миллатнинг эртаси қандай бўлишини билмоқчи бўлсанг унинг бугунги ёшларини ўрган". Ўқитувчимиз тез-тез тилга оладиган бу жумлани илгарилари бепарвогина эшитиб кўя қолар эдим. Қачон ўз келажагимни тасаввур қилиб кўрсам, хаёлимга бир ўй ўрнашиб оларди: мактабни битириб, ўқишга кира олмасам нима бўлади? Наҳотки ўн бир йил фақат ўқиб, билим олишга ажратилган умрим самарасиз бўлиб қолади, дея даҳшатга тушиб кетардим.. Мен албатта ўқишим кераклигини ота-онам ҳар дақиқа таъкидлаб турарди. Бу борада улар жуда қаттиққўл ҳам эди. Интилишларим зое кетмади. Талаба бўлдим. Лекин бугун бозорларда сезиларли даражада кўпайиб қолган ўқувчи ёшидаги болалар, "митти савдогарлар"га ачинаман. Улар жамиятга ким бўлиб қўшилади? Умуман, жамият уларни ўзига қўшадими? Ҳаминқадар билимли, ҳунардан бехабарлар, қайси қатламга мансуб бўларкин? Жавоб тайин, ҳарқалай ундай бўлишини ҳеч ким истамайди.

Бугун айрим ўсмирларнинг, болаларнинг мактаб партасидан муддатидан олдин "бегоналашиб" қолаётганлиги сизу бизнинг кўз ўнгимизда рўй бераяпти. Бунга бефарқ қараш жиддий салбий оқибатларга олиб келиши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Чунки мислсиз тарзда ривожланаётган дунё, кундалик фаолияти мураккаб технологияларга асосланиб бораётган кишилик жамиятга илм-ҳунар билан ҳисоблашиб ўтирмайди. Етарли билимга эга бўлмаган, замонавий ҳунарлардан бирини эгаллай олмаган аъзолари кўп жамият кескин ижтимоий муаммолар домига тушиб қолиши ҳеч гап эмас. Бугун моддиятни маънавиятдан устун қўйиб, "бозордан рўзғорга яраша топиб келаётган бизнесмен бола"сидан фахрланаётган ота-она ҳам ўзининг, ҳам фарзандининг эртанги кунини бой бериб қўймаяптимикин? Эндликда бозор ҳам соҳибидан юксак маданиятни, юқори савияни, чуқур билимни, кенг дунёқарашни, савдо деб аталмиш касбни пухта эгаллаганликни талаб қила бошлайди. Талабга жавоб бермаганга шафқат қилмайди.

ти эртасизлик, сизлик

Бинобарин, ҳали ҳам кеч эмас. Фарзандлар таълим-тарбиясининг узлуксизлигини таъминлаш ота-оналаримиз қўлида, уларнинг таълим-тарбияси талаб даражасида бўлиши ўқитувчига боғлиқ. Бу ишда маҳалланинг назорати, қисқаси ҳар бир миллатпарвар кишининг иштироки жоиз.

Бизда билимга интилиб, ривожланган давлатларда таҳсил олиб юрт равнақига ҳисса қўшиш имконияти бор, ота-она бағрида тинчгина замонда яшаб орзуларимизни рўёбга чиқариш мумкин. Ўқувчини бозордан қайтариш лозим. Вақтинчалик пул топиш деган нарса бизни чалғитмаслиги керак. Ҳали ҳам кеч эмас, балки ўқувчининг "бозорчи"лик фаолиятини қонун билан тақиқлаш керакдир.

Сиз нима дейсиз?..

***Ойбек СУЛАЙМОНОВ,***
***ЎзДЖТУ талабаси***

*Бу саволни қўйишимиз бежиз эмас. Ҳозир айни боғ яратиш фасли. Бунинг учун бир ўзингиз ҳаракат қилсангиз ҳам нимагадир эришасиз. Лекин кўпчиликнинг иши бошқа, барибир.*

*Пойтахтнинг А.Икромов тумани халқ таълими бўлими мутасаддилари кўпчилик бўлиб шу амални бажаришни маъқул кўрди. 13 мартдан 15 мартгача 54 та мактабгача таълим, 36 та умумтаълим ва 4 та мактабдан ташқари таълим муассасаларида экологик шанбалик олдидан оммавий ҳашар ўтказилди. Унда ўттиз олти минг ўқувчи ва тарбияланувчилар, олти мингдан зиёд ишчи-ходимлар иштирок этмоқда. Уларнинг яна бир ютуғи бу тадбирларга ота-оналар, маҳаллаларни ҳам жалб этганликларида, дейиш мумкин.*

# БУГУН ШАНБАЛИК

## СИЗ ҲАМ БОҒ ЯРАТАЯПСИЗМИ?

*Натижада таълим муассасалари майдонларию бинолари ўзгача чирой кашф этмоқда. Жами 9400 туп мевали, яна шунча манзарали, 13 минг туп терак, 41500 туп бир йиллик ҳамда 30 минг туп кўп йиллик гул кўчатлари муассасаларга безак бўлди. Бугун республикамизнинг барча ҳудудларидаги каби туманда ҳам катта шанбалик куни. Дарахтларга шакл берилиб, умумхалқ байрами Наврўзга бағишланган шиорлар осиш ва безатиш ишлари якунланаяпти. Биргина "Ором" номли боғча-мактаб мажмуасида 1000 туп кўчат ўтказилиб, ҳомийлар ёрдамида болалар очиқ сув ҳавзаси қурилишига киришилди. 17-болалар боғчаси тарбияланувчилари ўзлари эккан гул ва дарахт кўчатлари билан ҳамнафас ўсадиган бўлди. Зеро, бундай эзгу амал инсонни бебаҳра қолдирмайди. У соҳибининг қалбига яратувчанлик ишқини жойлаб қўяди.*

***Ф.КАРИМОВ***

## *Tashabbusning qanoti*

# КИТОБ МАРАФОНИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Зарафшон шаҳридаги "Зарафшон-Ньюмонт" қўшма корхонаси Навоий вилоятидаги мактабларга 4 миллион 100 минг сўм маблағни хайрия сифатида тақдим этди. Улар мактаб кутубхоналарини янги адабиётлар билан тўлғазишда қўл келиши шубҳасиз.

Навоий вилояти, Қизилтепа туманидаги жамоа хўжаликлари ва ота-оналар ҳам 200000 сўм пул ҳамда 80 дона бадиий адабиётларни фарзандлари ўқийдиган мактабга ҳадя қилганлари, Навоий шаҳридаги мактаб ўқувчилари ота-оналари ҳам 220000 сўм ва 115 дона бадиий адабиётларни тақдим қилганлари ҳақидаги хабар ҳам таҳририятимизга етиб келди.

Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги 9-мактабнинг битирувчи синф ўқувчилари мактаб кутубхонасига 27000 сўмлик адабиёт, шу мактаб ҳудудида жойлашган ширкат хўжалиги мактабга 12000 сўм ҳадя қилгани китоб марафонининг республикамиз бўйлаб қанот ёзганидан дарак беради. Бухоро вилояти, Олот туман ҳокимлиги ҳам туман мактабларига 200000 сўм маблағни мактаб кутубхоналари учун ажратган. Хуллас, китоб марафони давом этмоқда.

***МУХБИРИМИЗ***

# АЖДОДЛАР МЕРОСИ — ТАРИХ КЎЗГУСИ

Tanlov

**Жиззах шаҳридаги 10-мактабда "Аждодларимиз мероси — бой тарихимиз буюклиги рамзи" деб номланган вилоят кўрик-танлови бўлиб ўтди. Кўрик қатнашчилари тадбир давомида аждодларимиздан бизга мерос бўлиб қолган миллий қадриятлар, анъана ва урф-одатларни қанчалик эъзозлаб, ўрганиб келаётганликларини саволжавобларда, ўзлари ясаб келган кўргазма воситаларида акс эттиришга ҳаракат қилдилар. Айниқса, улар томонидан тақдим этилган ноёб тарихий уй-рўзғор буюмлари, турли тақинчоқлар, деҳқончиликда ишлатиладиган иш қуроллари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.**

**Кўрик-танловда барча шартлар бўйича энг кўп балл тўплаган Фориш туманидаги 78-мактабнинг "Истиқлол умидлари" жамоаси I ўринни қўлга киритди. Жиззах туманидаги 19-мактабнинг "Мозий" жамоаси II ўринга муносиб деб топилди. Ғаллаорол туманидаги 52-мактаб ("Ёшлик") ва Пахтакор туманидаги 14-мактаб ("Истиқлол") жамоалари 3-ўринни эгаллашди.**

**Танлов ғолибларига ушбу тадбир ташкилотчилари — вилоят халқ таълими бошқармаси ва "Камолот" ижтимоий ёшлар ҳаракати вилоят бўлимининг қиймат-баҳо совғалари топширилди. Мазкур танлов аждодларимиз мероси — тарихимиз кўзгуси эканлигини жонли мисоллар билан кўрсатган ўзига хос ибрат мактаби бўлди.**

***А.СОДИҚОВ,***
***"Ma'rifat" мухбири***

# ҲУҚУҚИЙ БЕЛЛАШУВ

Термиз шаҳридаги ёшлар ажойиб танловлар иштирокчиси бўлишмоқда. Боиси, вилоят халқ таълими ички ишлар ва адлия бошқармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ташаббуси билан мактаб ўқувчилари ўртасида "Сиз ҳуқуқингизни биласизми?", "Сиз қонунни биласизми?", "Аждодлар меросини ўрганамиз" каби бир талай қизғин беллашув-танловлар ўтказилмоқда. Ҳуқуқ ва қонун тўғрисидаги тортишувларга бой ушбу танловлар ўқувчи руҳиятини шакллантириш билан бирга уларда тарихга нисбатан меҳр уйғотмоқда.

Яқинда Термиз шаҳридаги 9-умумтаълим мактабида ана шундай тадбирлардан бири ўтказилди. Унда 2-,4-синф ўқувчиларидан иборат "Ҳумо" ва "Истиқлол" гуруҳлари "Сиз ҳуқуқингизни биласизми?" мавзуси остида ўзаро беллашдилар. 4 та шарт асосидаги билимдонлар баҳсида "Ҳумо" гуруҳининг чиқишлари барчага манзур бўлди. Бошланғич синф ўқувчиларининг ҳуқуқий билимлари кўрсатилган кичик саҳна кўринишларида янада жонли ифодасини топди.

Хуллас, ёш авлодни давр руҳи билан тарбиялашда бундай кечаларнинг ташкил этилиши, уларнинг билимларини чархланишига хизмат қилади.

***Дилбар НОРМУРОДОВА,***
***Термиз шаҳри***

# *СУД-ҲУҚУҚ СОҲАСИ ВА МАТБУОТ*

Tadbir

**Кеча Конституциявий, Олий ва Олий хўжалик судлари, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамкорлигида "Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни аҳолига етказишда оммавий ахборот воситаларининг роли: муаммолар ва ечимлар" мавзуида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги мажлислар залида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

**Унда ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар ва журналистлар иштирок этди.**

**Конференцияда Конституциявий суд раисининг ўринбосари Б.Мирбобоев, Олий хўжалик суди раисининг ўринбосари Ш.Рўзиназаров, Бош прокурор ўринбосари А.Ҳолмаҳматов, Олий Мажлиснинг қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси М.Исмоилов ва бошқалар маъруза қилди.**

**Тадбирда суд-ҳуқуқ соҳасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни аҳолига етказишда ОАВнинг ролини янада ошириш, суд ҳокимияти билан уларнинг муносабатлари, ҳуқуқий асосларини шакллантириш масалалари ва уларнинг ечимлари хусусида таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Журналистларнинг суд-ҳуқуқ соҳасига ихтисослашиши муаммолари юзасидан атрофлича фикр юритилди.**

***Ш.АҲМАТОВ***

# БЕШАЛАСИ ҲАМ ҒОЛИБ

Хелуан (Миср) университетининг доктор Муҳсин Муҳаммад Иброҳим Атийа бошчилигидаги бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий Рассомчилик ва дизайн институтидаги "Балли, қизлар" танловининг иштирокчиларига айланишди. Институт талабаларидан 5 нафари танловда қатнашишди. Улар турли сюжетли кўринишларни намойиш этиш билан бирга, арабча, японча, французча, ҳиндча рақсларни ҳам ижро этишди.

Тошкент шаҳар касаба уюшмаси қўмитаси вакиллари, МРДИ маъмурияти ва чет элликлардан иборат ҳайъат аъзолари қайси қизга биринчи ўринни беришга ҳайрону лол эдилар. Ниҳоят, Тошкент шаҳар касаба уюшмаси қўмитаси вакиллари Ойша Раҳмоновани, институт маъмурияти Мадина Аҳмедова, Умида Кенжаева, Манзура Нусуроваларни биринчи ўринга муносиблигини таъкидладилар. Бироқ, чет эллик меҳмонларнинг фикрича, дизайнер либослари факультетининг биринчи курс талабаси Салима Шомансурова ҳар жиҳатдан устун дея тан олинди.

***Регина ТЎХТАБОЕВА,***
***Икром РАСУЛОВ***

*Kimdir hayotda yashash uchun ovqatlanaman deb o'ylasa, yana birovi esa ovqatlanish uchun yashayman deb xayol qilar ekan. U o'z hayotining ma'no mazmunini shunday tushunadi.*

# ҲАЁТ ФАЛСАФАСИ

## ёхуд англаш қийин кечаётган муаммо

Инсон боласи дунёга келибдики, аввало табиий эҳтиёжларга дуч келади. У яшаши (ҳаёт бўлиши) учун унга озуқа керак, кийим-бош, бошпана (уй-жой) ҳам ана шундай табиий эҳтиёжлардан. Буларсиз тирикликни, ҳаётнинг давомийлигини, авлодлар тадрижийлигини тасаввур қилиш қийин.

Бу табиий эҳтиёжларни қондиришда инсон гўдаклигида ота-онага тобе бўлса, кейинчалик эса у табиий (иложсиз) тобеликдан қутилиб боради. Аммо, ёши улғайиб мустақил меҳнат фаолиятини бошлагунча бундай тобелик сақланиб қолади. Ота-она боласини боқиши, унинг соғлиғи тўғрисида қайғуриши, едириб-ичириши, кийинтириши, таълим-тарбия бериш учун бевосита масъул ҳисобланадилар. Бундай қайғуришда ўзига хос инсонпарварлик туйғулари билан жамиятнинг келажагини ўйлаш фалсафаси мужассамдир.

Инсон улғайиб борган сари бу табиий эҳтиёжларга муносабати ўзгариб борадими ёки йўқми деган саволга жавоб бериш осон эмас. Савол қанчалик қийин бўлмасин жавоб топишга ҳаракат қилиш зарур. Бу ҳар бир кишини ўйлантиради.

Инсон ҳаётида бу табиий эҳтиёжлар доимо сақланиб қолади. Инсон неча ёшга кирмасин, қанча яшашидан қатъий назар аввало, овқат ейиши, кийим кийиши, уй-жойли бўлиши зарур. Шунингдек, табиийки, бу эҳтиёжларни қондиришга ҳаракат қилади. Ундан кейин эса, бошқа ишлар; меҳнат қилиш, таълим-тарбия, фан, дин, сиёсий, давлат ва жамият ишларида иштирок этиши ҳам зарур.

Кузатишлар шундан далолат берадики, ўйлаб ҳам кўрмасдан, мушоҳадага изн бермасдан ўз тирикчилигидан нолиётганлар, турмуш қийинчиликлари, камикўстларидан дардлашиб, қорин ғамини биринчи ўринга қўйиб фикр билдиришларга дуч келамиз. Бу нимани англатади?

Кимдир ҳаётда яшаш учун овқатланаман деб ўйласа, яна бирови эса овқатланиш учун яшайман деб хаёл қилар экан. У ўз ҳаётининг маъно-мазмунини шундай тушунади.

Баҳовуддин Нақшбанд, бу маънода, масалага янада кенгроқ қарайди ва "инсонлар барча тирик мавжудотлар олдида ҳам масъулдир" деган фикрни ўртага ташлайди.

Ана шу масъулият туйғуси уни ўзи олдида, оиласи, болалари олдида ҳам бурчли қилиб қўяди. Энди мушоҳадага изн бериб, фикримизни давом эттирсак.

Фараз қилинг: ҳаётнинг ўзгариши, қандай яшашни ўзидан деб билиб, доимо изланишда, ҳаракатда бўлаётган инсон қандай яшайди ёки яшаяпти? Ёки болаларининг ҳам келажагини ўйлаб, уларни бугундан (ёшлигидан) ҳаракатга, изланишга, ўқишга, илм-фан, ҳунарни эгаллашга ундаяпти, эркин фикрга, фикрлашга ўргатаяпти! Бу унинг бугунги, эртанги ҳаёти учун нима беради?!

Иккинчи бир одам эса ҳаётининг маъно-мазмунини ўзидан қидирмайди. Изланмайди, ҳаракат қилмайди (фақат турмушнинг (ҳаётнинг) мажбурлаши оқибатида ҳаракат қилишини тўла маънода англанган, онгли фаолият деб бўлмайди). Унинг самараси бошқачароқ бўлади. Бундай одамлар ҳаётдан нолийди, қониқмайди, чунки сабабини ўзидан ташқарида кўради. Жамиятдан, давлатдан, қолаверса, сиёсатдан ахтаради. Уни айблашни афзал кўради.

Бугун биз янги ўзгаришлар замонида яшаяпмиз. У ҳаммага бир хил, яъни тадбиркорлик билан шуғулланиш ёки мулкдор бўлиш ҳуқуқини кафолатлаб беради.

Ана шундай пайтда, ҳаётининг мазмунини ўзидан қидирмаган, қандай яшашини ўзига боғлиқ деб ҳаракат қилмаётган одамлар кўпроқ боқиманда бўлиб қолмайдиларми? Бу ҳаётга ҳам ҳамма вақт бир хилда қараб бўлмаслигини англатмайдими?

Ҳақиқат шундан иборатки, инсон қандай онг ва тафаккурга эга бўлса, шунга яраша яшайди. Одамнинг онги ва тафаккури ўзгариб, ҳаётни янгича идрок этиб борса, унинг яшаётган муҳити ҳам ўзгариб боради. Онги ва тафаккури ўзгармасдан қолаётган кишилар ҳаётнинг маъно-мазмунини ҳам, кундалик турмушидаги айрим муаммоларни ҳам жуда мавҳум кўрмоқда. Ўзидан эмас, ташқаридан изламоқда. Шунинг учун эски қарашлардан халос бўла олмаяпти.

Хўжасизлик, мулкни талон-тарож қилиш ва ўзлаштириш, бино ва дастгоҳларни арзимаган пулга ижарага бериш, яширинча ҳисоботга кирмаган маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш (шахсий фойда учун, албатта) нархларни сунъий равишда ошириш билан боғлиқ қўпгина салбий фактларни яшириб келаётганлигини масъул ёки мансабдор шахслар маънавий дунёсининг миллий истиқлол ғояларидан, бугунги бозор муносабати тамойилларидан узоқлигини билдиради. Янги замон, янги давр, мустақиллик тўғрисида қайғуришдан кўра фақат шахсий манфаатини ўйлаш устунлик қилаётган бўлса, унинг сабабларини, шу инсонлар маънавий дунёси қатламларидан қидириш, уни ўзлаштириш учун амалий ёндошувни тақозо этади. Қонуннинг ижросини таъминлаш, талабни ошириш, фуқароларнинг иштироки, фаоллигини ҳамда эл-юрт, мамлакат, Ватан тўғрисида қайғурадиган шахсий манфаатини бошқаларнинг ҳақ-ҳуқуқини ва манфаати билан уйғун кўрадиган инсонларга масъулиятни ишониб топшириш лозим. Инсоннинг ҳаётга муносабатини ўзгариши унинг ҳаётга, инсонлар тақдирига қандай қарашининг моҳияти билан боғлиқ.

"Инсон дунёга фаолият учун келади, кузатиш учун эмас", деган экан алломалардан бири. Аммо, ҳаётимизда ҳамон кузатувчилар кўплаб топилади.

Мустақиллик берган имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш учун инсон ўзининг мавжудлигини, моҳиятини англаши керак. Бунинг учун, аввало, ҳар бир киши ўзи ишлаётган соҳада ўзгаришлар ясашга, янгиликлар, ихтиролар қилишга, ҳозирги замон фан-техникаси ютуқларини эгаллаш, уни ижтимоий ҳаёт соҳаларига жорий этиш тўғрисида қайғуриши лозим. Инсон илм-фан ютуқларини эгалламасдан ёки илм-фан ютуқларини ҳаёт ўзгаришларининг калити сифатида қарамасдан, ҳаётида ўзгариш ясай олиши қийин. Бу жамиятга татбиқ этганда ҳам шундай. Бунинг учун ҳар бир инсон ўз ички имкониятларини юзага чиқариши, ўзининг салоҳиятини ошириши лозим. Юксак малакага эга бўлиш учун бугунги фан-техника, замонавий юқори технологияларни билиш керак. Ана шуни англаш ва унга эришиш учун фаолияти орқали биз тараққиётимизни кафолатлаймиз, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётга эга бўлиб борамиз!

Онг ва тафаккурнинг ўзгариши алоҳида индивид ва шахсларга тегишли ҳодиса эмас. У ижтимоий гуруҳлар, қатламлар орқали таълим-тарбия билан шуғулланувчи мураббийларнинг умумий онг даражасида ҳам намоён бўлади.

Ишлаб чиқаришнинг қандай бўлиши аввало инсоннинг салоҳиятига, малакасига боғлиқ. Янги технологияни олиб келган билан, уни ўзлаштирган малакали мутахассислар бўлмаса, ўз-ўзидан ишлаб кетмайди. Қолаверса, янги технологияларни кам жорий этилаётганлигининг сабаби, фақат иқтисод билан эмас, у талаб қиладиган малака, уқувимизнинг пастлиги билан ҳам боғлиқлигидан кўз юмиб бўлмайди. Шу ўринда, узоқ йиллар давомида сингдирилган материалистик фалсафа ва "сиёсий иқтисоднинг муҳим қоидасига айланган, тарихни "материалистик тушуниш"нинг кашф этилишининг "ижтимоий ҳаётда инқилоб" сифатида баҳоланганига эътиборни қаратайлик. Унинг мазмуни қуйидагича эди: "Кишилар фан, дин, сиёсат, фалсафа ва давлат ишлари билан шуғулланишларидан аввал, емоқ-ичмоқлари, кийим кийимоқлари керак. Бунинг учун эса моддий буюмлар ишлаб чиқариш керак бўлади. Усиз (моддий буюмлар ишлаб чиқармасдан) еб-ичиш, кийим кийиш мумкин эмас эканми, демак ана шу моддий буюмлар ишлаб чиқариш усули жамият тараққиётининг асосида ётади" деган фикр, кейин ғояга айланди. Ундан кейин мафкуралаштирилди. Жамиятга, кенг жамоатчилик онгига таълим-тарбия ва бошқа тизимлар орқали сингдирилди. Буни бугун истисно этишнинг ҳам, инкор этишнинг ҳам иложи йўқ.

Бугун ҳам, инсонларнинг фаолиятларига тўсиқ бўлиб турган, уларнинг фаоллашиши учун етишмаётган нарса, ана шу ғоянинг чуқур сингдирилгани, уни янгича кўриш қийин бўлаётганлиги билан боғлиқ бўлиб қолаётганга ўхшайди. Бугун ижтимоий ҳаёт ўзгариши учун моддий буюмлар ишлаб чиқарадиган инсон ўзгариши керак, унинг қандай яшаши, нима еб-ичиши ва қандай кийим кийиши аввало унинг онги-тафаккурига, салоҳиятига, малакасига боғлиқ.

Шунда тараққиётнинг ҳал этувчи омили бўлган инсоннинг ички салоҳияти тўлароқ юзага чиққан бўларди. Шунда у жамият учун ўзига хос "портлаш эффектини" беришини тахмин қилиш ва унга ишониш мумкин.

***Ибодулла ЭРГАШЕВ,***
***сиёсий фанлар доктори, профессор***

***Ранглар жилосини англаш, табиатга меҳр-муҳаббатли бўлиш каби фазилатлар аввалам-бор оилада, кейинчалик боғчада шаклланади. Демакки, боланинг табиатга, санъатга ошно бўлиб ўсишида тарбиячиларнинг бу борадаги билими, малакалари катта аҳамиятга эга. Айниқса, турли уй ҳайвонлари ва жониворларнинг расмини чизишга кичкинтойлар жуда ўч бўлишади. Сирдарё вилояти Шароф Рашидов туманидаги 4-сон "Қуёшча" номли мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Зулфия Суннатиллаева ҳам шуларни англаган ҳолда жажжиларга расм чизиш сирларини ўргатмоқда.***

***Суратда: З. Суннатиллаева машғулот жараёнида.***

***Бурҳон РИЗО олган сурат.***

# ТИЛНИ ТИЛГА, ДИЛНИ ДИЛГА БОҒЛАЙДИ

**Seminar-trening**

Республика Халқ таълими вазирлиги ва таълим маркази ташаббусига кўра вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти француз тилининг ўқитилишини янада яхшилаш юзасидан уч кун давом этиши режалаштирилган семинар-тренинг тадбирига бағишланган йиғилиш бўлди.

Йиғилишда француз тили фани ўқитувчилари ҳамда Франция элчихонаси ҳузуридаги В.Гюго таржимон маданият марказининг тил масалалари бўйича атташеси Жаклен Плесси хоним, Назира Юсупова ва янгидан чоп этилган француз тили дарсликлари муаллифлари — таълим маркази методисти Абдураҳим Носиров, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ўқитувчиси Зумрад Абдушукурова ва бошқалар иштирок этди.

Йиғилишда Жаклен Плесси хоним — Халқ таълими вазирлиги, таълим маркази, вилоят халқ таълими бошқармаси, малака ошириш институти раҳбариятига ўз халқи тилини чуқур ўргатишга алоҳида эътибор қаратаётганликлари учун Франция элчихонаси номидан катта миннатдорчилик билдириб, ўз давлат тили хусусияти, уч кун давом этадиган тадбир, бу муддат ичида қилинадиган юмушлар, тартиби, янгитдан 9 номда чоп этилган француз тили дарсликлари, фанни ўқитишнинг методик технологияси ҳақида ахборот бериб ўқитувчилар, мутахассислар ҳамда кўп сонли ўқувчиларнинг ўқитиш, ўқиш ва изланиш соҳасидаги ишларига катта муваффақиятлар тилади.

Қарши шаҳридаги 20-ўрта мактаб ва "Нуристон" академик лицейи ўқувчиларининг француз тилидаги ўзаро мулоқотлари ҳамда бадиий чиқишлари меҳмонлар ва мезбонларда катта таассуротлар қолдирди.

***Абдували ОБИДДИН,***
***"Маърифат" мухбири***

**Markaz institut hisobiga 8,5 ming AQSH dollari ajratadigan bo'ldi.**



*Миатто*

# ЎҚУВЧИЛАР АТЛАС ВА КАРТАЛАР БИЛАН ҚАЧОН ТЎЛИҚ ТАЪМИНЛАНАДИ?

*Мактабда география ўқув фанини ўқитишда географик картанинг аҳамияти катта. Шунинг учун ҳам "географик тадқиқот картадан бошланиб, картада тугайди", деб бежиз айтмаганлар.*

*География карта хилма-хил ва кенг қамровли маълумотларни кўргазмали шаклда, жозибадор ранг орқали информацияни миқдор жиҳатдан сифат бўйича, вақт ўлчамида макон ва замонда махсус модел белгилар билан тушунарли қилиб кўрсатади. Шу боис, географик карталардан 4-синфда табиатшунослик ўқув фанини ўрганишдаёқ фойдаланилади. Таълим жараёнида деворга осиб ишлатиладиган карталардан ташқари ўқувчи столи устида фойдаланадиган географик атлас ҳам мавжуд. Атласлардан синфда, синфдан ташқари вақтда география ва бошқа фанлар ўрганилишида ҳам фойдаланилади.*

*География таълимида дарслик билан бирга карта ва глобус ҳам ўзига хос ўқув методик мажмуани ташкил қилади. Шундай экан, республикамиз мактаб ўқувчилари бу ўқув қуроллари билан қандай таъминланган, деган савол туғилади.*

*Маълумки, мамлакатимиз мустақил бўлганидан сўнг умумий ўрта таълим мактабларида географиядан давлат таълим стандартлари жорий этилди. Шу асосда дастурлар яратилган ва оригинал дарсликлар яратилаяпти. Шу давр ичида деворга осиб фойдаланиладиган бир қанча географик карталар (дунёнинг сиёсий картаси, Ўзбекистоннинг сиёсий-маъмурий, табиий, иқлим, аҳоли карталари, Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг табиий карталари) чоп этилди. Аммо булар зарур бўлган карталарнинг ўн фоизинигина ташкил этади, холос. Ҳозирги вақтда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Геодезия, картография ва кадастр кафедрасида Фан ва технологиялар марказининг инновация гранти асосида республикамизнинг 10 та географик ва 5 та тарих карталари тузилиб, Республика таълим марказининг география бўйича илмий методик кенгаши тавсияси асосида Тошкент картография фабрикасига топширилган. Аммо мана икки йилдирки, Тошкент картография фабрикаси бу карталарга буюртмачи излайди. Ваҳоланки, тузилган карталарга гонорар талаб қилинмаяпти. Уни нашр қилиб, мактаб ўқувчиларига етказиб беришга эса Тошкент картография фабрикаси тайёр. Карталарнинг тахминий нархи ҳам унча қиммат эмас – 1000-1500 сўм атрофида холос...*

*Ўқув географик атласи бўйича анча ютуқларга эришилганини айтиш жоиз. Масалан, Тошкент картография фабрикаси 4,5,6,7,8,9-синфлар учун ўқув атласини нашр этган. "Маърифат" газетасининг 2001 йил 10 январдаги сонида ушбу ўқув атласларнинг таълимий афзаллиги ҳамда арзонлиги педагогика фанлари номзоди Паёз Мусаевнинг қаламига мансуб "Ўзингникига нима етсин" номли мақолада асослаб берилди ҳам. Лекин бу атласлар учун ҳам талабгор топилмай, кам тиражда нашр этилмоқда. Масалан, "Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг табиий географик атласи" 2000 нусха, "Дунёнинг ижтимоий ва иқтисодий атласи" 3000 нусхада чоп этилган. Бу эса ҳар 100 нафар ўқувчига биттадан тўғри келади, деганидир. Қолган атласларнинг ҳам адади шу атрофда. Афсусланарли томони шундаки, ўқувчи учун зарур, боз устига арзон бўлишига (1800-1900 сўм атрофида) қарамай, уни ўқувчига етказиб берувчи ташкилот топилмаётир.*

*Глобус масаласи бундан ҳам оғир. 1990 йилдан буён мамлакатимизга глобус келтирилиб, сотилаётгани йўқ. Лекин тижоратчилар уни Россиядан олиб келиб, 20000 сўмдан пуллашаяпти. Ваҳоланки, республикамизда бу ишни йўлга қўйса бўлади, унинг макет-лойиҳаси ҳам тайёр. Тошкент карта фабрикасида ҳам тайёрлаб нашр қилиш мумкин, лекин унинг ҳам буюртмачиси йўқ. Натижада республика мактабларининг минглаб ўқувчилари глобуссиз сабоқ олишмоқда.*

*Мазкур муаммолар ечимини топиш учун қуйидаги таклифларимизни билдирамиз:*

*1. Ўзбекистоннинг 10 та географик ва 5 та тарихий карталарини Халқ таълими вазирлиги мактабларнинг кутубхона фонди ҳисобидан буюртма бериб ҳар бир мактабга бир-икки нусхадан бериш мақсадга мувофиқ (Бу соҳада тажриба ҳам мавжуд, яъни 1999 йилда Москвада Вазирлар Маҳкамасининг фармони билан чоп этилган 50 000 нусхадаги "Ўзбекистон географик атласи" мамлакатимиздаги ҳар бир мактабга 5 нусхадан тақсимлаб берилган).*

*2. Ўрта мактаб географияси учун ўзбек тилида яримшарлар, материклар ва дунё бўйича табиий ва мавзули карталарни яратиш лозим ва Тошкент картафабрикасига буюртма бериш зарур.*

*3. Ўрта мактаблар учун республикамиз тарихи бўйича бир қанча дарсликлар чоп этилгану лекин мамлакатимиз ёки жаҳон тарихини акс эттирадиган биронта тарих картаси яратилмаган. Ўзбекистон тарихи атласини яратиш вақти эса аллақачон келган. Бу тўғрисида Республика таълим марказининг тарих бўйича илмий методик кенгаши шуғулланиши зарур.*

*4. Халқ таълими вазирлигининг бевосита раҳбарлигида Республикада глобус ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лозим.*

*Ушбу қайд қилиб ўтилган муаммолар юзасидан мутасадди идоралар ходимлари ўз фикр-мулоҳазаларини баён қиладилар, деган умиддамиз.*

***Турғунбой МИРЗАЛИЕВ,***
***ЎзМУ Геодезия, картография ва кадастр кафедраси мудири, профессор***

## ТЕАТР АКТЁРЛАРИ МАКТАБДА

**Бир болага етти маҳалла ота-она деган гап бор. Бола ўз оиласида тарбияланса-да, қўшниларининг кўчада юриш-туриши, ўзини тутишини кўриб яна бир ибрат олади. Тарбия ишида нафақат мактаб, балки, театрлар ҳам маъсулиятли эканини таъкидлаб ўтмоғимиз лозим. "Турон" ёшлар театри шу мақсад йўлида фаолият юритмоқда.**

**Яқинда "Турон" ёшлар театри бадиий раҳбари Равшан Ёриев бошчилигидаги бир гуруҳ актёрлар Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги 5-мактабда бўлдилар. Учрашув аввалида театр жамоаси ўз репертуаридан жой олган "Ўзлигингни унутма" спектаклининг энг диққатга сазовор лавҳаларини намойиш этишди. Шундан сўнг тадбирнинг асосий қисми бошланиб, бугунги кунинг энг долзарб муаммоларидан бири, ёшларимизнинг турли диний оқимларга, гиёҳвандликка адашиб кириб қолиши ва шу билан бирга ўз жонига қасд қилиш каби ҳодисаларнинг оқибатлари ҳақида давра суҳбати бўлиб ўтди. Суҳбат давомида мактабнинг фаол ўқувчиларидан Жалил Қўшаев, Фаррух Мирзақулов, Шамсиддин Шакарбоев ва бошқа ўқувчилар сўзга чиқиб бу борадаги фикр ва мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.**

***Аброр УМАРҚУЛОВ,***
***Умид ХУДОЙҚУЛОВ,***
***ЎзМУ талабалари***

*Taqdimot*

# ДАРСЛИКЛАР ЯРАТИШ ҚАЙ АҲВОЛДА?

***Тошкент педагогика касб-ҳунар коллежида мамлакатимиз ЎМКҲТ муассасалари учун ижтимоий-гуманитар фанлардан яратилган янги дарслик ва ўқув қўлланмалари тақдимот маросими бўлиб ўтди.***

Мазкур тадбир бевосита таълим муассасаларида дарс бераётган ўқитувчилар ва таълим олаётган ўқувчиларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш ҳамда янги дарслик ва ўқув адабиётларининг "Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси" ва янги ўқув дастурларига мослигини аниқлаш мақсадида ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини дарслик ва ўқув адабиётларининг янги авлоди билан таъминлаш тўғрисида"ги қарори бўйича ЎМКҲТ Маркази томонидан ўтган йили режадаги 52 номдаги адабиётларнинг ўрнига 196 номдагиси яратилиб, нашр қилинган. 2003 йилда эса режа бўйича 439 номда дарслик ва ўқув адабиётлари яратилиши зарур. Шу кунга қадар ушбу адабиётларнинг 158 номдагиси яратилди. Шундан 34 номдагиси нашрдан чиққан бўлса, қолган 124 номдагиси нашриётларга топширилган. Бундан ташқари, яна 306 номдаги дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратиш юзасидан муаллифлар билан шартномалар тузилди.

Мазкур жараённи такомиллаштириш ва жадаллаштириш мақсадида олий ўқув юртлари олимлари, дарсликлар яратаётган муаллифлар билан қатор учрашувлар, давра суҳбатлари, амалий семинарлар мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқда. Бундай тадбирлар Осиё Тараққиёт Банки лойиҳаси, яъни чет эл мутахассис олимлари иштирокида яратилаётган дарсликлар муаллифлари билан ҳам бир неча бор ташкил этилди. Мана шундай амалий тадбирлар натижаси ўлароқ, ЎМКҲТ тизими учун таянч олий ўқув юртлари ҳисобланган Низомий номидаги ТДПУ, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти, Наманган муҳандислик-педагогика институти билан бирга ТДТУ, ТКТИ, ТИҚХМИИ, ТошДАУ олимлари дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратишда фаол иштирок этишмоқда.

Тадбирда алоҳида таъкидландики, айни пайтда энергетика, металлургия, самолётсозлик, автомобилсозлик, савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича дарсликларнинг янги авлодини яратиш суст кечмоқда.

Тақдимотда Олий ва ўрта махсус таълим вазирилиги, ЎМКҲТ Маркази, ЎМКҲТ Ривожлантириш институти, Тошкент шаҳар ЎМКҲТ бошқармаси мутасадди ходимлари, яратилаётган дарсликлар ва ўқув қўлланмалари муаллифлари ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

***МУХБИРИМИЗ***

*Ta'limda xalqaro hamkorlik*

***Яқинда Самарқанд Давлат чет тиллар институти ректори, профессор Ю.Абдуллаев Америка Қўшма Штатларида хизмат сафарида бўлиб қайтди. Қуйидаги суҳбатда ўша сафар таассуротлари акс этган. Зеро, бир-бирига қўл берган ўзбеклар ва инглизлар тимсолида ҳар икки мамлакат истиқболига умид, бир-бирига ишончни кўриш мумкин.***

# ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРГАН ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗЛАР

***— Юсуф Неъматович, сафардан олган умумий таассуротингиз қандай?***

— Сафар олти кун давом этди ва энг юқори даражадаги 24 та учрашув ўтказилди. Хусусан, Америка-ўзбек савдо палатаси Бошқаруви аъзолари, АҚШ Конгресси вакиллар Палатаси аъзоси, конгрессмен Жозеф Питс, ACCELS Президенти Ден Деувидсон ва бошқалар билан олиб борилган музокаралар фойдали ва мазмунли бўлди.

***— Бу учрашувлар сиз раҳбарлик қилаётган институтга қандай манфаат келтиради?***

—СамДЧТИ таркибида Америка факультетини ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Ҳозирга қадар ушбу масала институтнинг 1996 йилдан буён ҳамкори Колорадодаги Халқаро заҳиралар алмашинуви жамғармаси томонидан батафсил ишлаб чиқилган ҳамда илгари сурилган эди. Америкалик шериклар ҳеч бир истисносиз, ниҳоятда диққат-эътибор билан Самарқандда Америка факультетини ташкил этишга мойиллик билдиришди. Улар билан ўқув дастури, профессор-ўқитувчилар таркиби, техника ва адабиётлар таъминоти, қабул ва баҳолаш тизими, олий ўқув юртининг аккредитацияси ва дипломи масалаларида келишиб олинди.

Лойиҳанинг амалга оширишда ўзбек-испан-америка муносабатларининг муваффақиятли ривожланаётганлиги, АҚШнинг Ўзбекистондаги юқори рейтинги, Ўзбекистоннинг терроризм билан курашдаги фаоллиги, барқарорлик ҳамда иқтисодий ислоҳотлар ва демократик ўзгаришларнинг изчиллиги, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг қабул қилиниши ва амалга оширилиши, халқаро таълим дастурларига юртимизнинг фаол иштироки каби жиҳатлар муҳим омил бўлади.

***— Бу мамлакатга сафар чоғида яна нималар диққатингизни жалб қилди?***

— Фрир Ричард номидаги санъат галереясида биринчи марта 1979 йилда бўлганман. У ерда кўпгина экспонатлар қаторида Мирзо Улуғбек портрети ҳам бор. Бу гал номаълум рассом томонидан 1440 йилда чизилган буюк ҳамюртимиз миниатюраси олдига бориб яна бир марта таъзим этдик...

Сафар чоғида Индиана Университети раҳбарияти қошидаги Марказий Осиё ва Урал бўйича миллий ресурс маркази директори билан СамДЧТИ базасида ўзбек тилини ўрганиш бўйича жорий йилнинг 15 июнидан 15 августига қадар ёзги мактаб ташкил этиш тўғрисида келишиб олинди. Марказ институт ҳисобига 8,5 минг АҚШ доллари ажратадиган бўлди.

***Суҳбатни Зоҳир ҲАСАНЗОДА ёзиб олди***

*Bu sayyorada bir ulug' haqiqat mavjud: sening kimligingdan va nima qilayotganingdan qat'iy nazar, qachonki sen bir nimani chin yurakdan istasang, bunga erishasan, chunki shunday istak Olam Qalbida yaraladi.*



Пауло КОЭЛО

Роман

# АЛКИМЁГАР

**(Давоми. Боши газетамизнинг шу йилги 17-сонида)**

— Бу туш Умум Тилида, — деди кампир. — Мен уни таъбирлашга ҳаракат қиламан, гарчи бу жуда қийин бўлсада. Ана шу меҳнатим учун мен сендан хазинанинг ўндан бирини сўраяпман. Эшит: сен Мисрга боришинг ва ўзингнинг эҳромингни топишинг керак. Мен ўзим бу нарсани эшитмаганман, бироқ гўдак сенга уларни кўрсатибдими, демак, ҳақиқатан бу бор нарсалар. Ана энди жўна — у ёкда сен ўзингнинг хазинангни топасан, бойиб кетасан.

Сантяго аввалига ҳайрон қолди, кейин афсусланди. Шу бўлмағур гап учун кампирни қидириб ўтириш шартмиди. Яхшиям, ундан пул олмади.

— Сени деб вақтим бекор кетди, — деди у.

— Мен огоҳлантирдим: сенинг тушингни таъбирлаш қийин. Ғаройиб кўринган нарса, сиртдан оддийдай туюлса-да, бироқ унинг мағзини чақишга фақат донолар қодир. Мен доно бўлмаганим учун ҳам бошқа ҳунарни, масалан, кафтга қараб фол очишни ўргандим.

— Қандай қилсам Мисрга бора оламан?

— Бу менинг бош оғриғим эмас. Мен фақат тушни таъбирлай оламан, уни чинга айлантириш менинг ишиммас. Акс ҳолда шундай қашшоқ яшармидим, туққан қизларимдан садақа сўраб.

— Агар Мисрга бора олмасам-чи?

— Боролмасанг — кўрган фолим учун сен берадиган ҳақдан қуруқ қоламан. Бу биринчи марта бўлаётгани йўқ. Энди жўна, сен билан гаплашадиган гап қолмади.

Сантяго лўли кампирникидан буткул ҳафсаласи пир бўлиб чиқди ва минбад тушларга ишонмасликка қарор қилди. Шу пайт, ишларга киришиш кераклиги хаёлига келди: дўконга йўл олди, егани ул-бул харид қилди, китобини қалинроғига алмаштирди, янги винони татиб кўрмоқчи бўлиб, майдондаги ўриндиққа ўтирди. Кун жуда иссиқ эди, вино сехрли тарзда бўз боланинг ҳовурини босди.

У қўйларини шаҳар четида, яқинда танишган дўстининг молхонаси ёнида қолдирди. Вилоятнинг ҳамма жойида Сантягонинг жўралари бор эди — шунинг учун ҳам у кезиб юришни яхши кўрарди. Эл кезсанг янги дўст орттирасан — у билан ҳар куни кўришиб туриш ҳечам шарт эмас. Атрофингда доим бир хил одамлар бўлса — худди диний мактабда ўқиб юрган пайтидагидай, — ўз-ўзидан шундай бўладики, улар сенинг ҳаётингга аралаша бошлайди. Ҳаётингга аралашиб туриб, бироз вақт ўтгач, уни ўзгартиргилари келиб қолади. Агар сен улар хоҳлагандай бўла олмасанг — аразлашади. Ҳар ким ўзича бу дунёда айнан қандай яшаш кераклигини аниқ билади.

Бироқ бирор кимса ўзининг шахсий ҳаётини негадир изга сола олмайди. Бу худди лўли кампирнинг амалига ўхшайди, у тушларни таъбирлайди, лекин ростга айлантиришга қурби етмайди.

Сантяго қуёшнинг ботишини кутишга қарор қилди, шундан сўнг қўйларни яйловга ҳайдаса бўлади. Мовутчининг қизи билан учрашишга ҳали уч кун бор. Ҳозир эса шу ерлик руҳонийдан алмаштириб олган китобни ўқишга киришди. Китоб қалин эди, биринчи бетида кимнингдир дафн маросими тасвирланган ва боз устига, қаҳрамонларнинг исмлари шунақа ғалатики, овоз чиқариб айтсанг, тилинг қоқилиб кетади. «Агар бир кун келиб мен китоб ёзадиган бўлсам, — деб ўйлади бўз бола, — китобимнинг ҳар бир бетида янги қаҳрамон бўлади, китобхонлар кимнинг исми қанақалигини эслаб овора бўлиб ўтирмайди».

У энди китобни очиб, марҳумни қорга қандай кўмишгани тасвирини берилиб ўқиётганида (тепадан қуёш аёвсиз куйдириб турганига қарамай, Сантягонинг эти жунжикди), бир қария келиб, унинг ёнига чўкди ва уни гапга тортди.

— Улар нима қилишаяпти ўзи? — майдондаги одамларни кўрсатиб, сўради у.

— Ишлашаяпти, — рўйхуш бермай жавоб қилди бўз бола, гўё ўзини берилиб китоб ўқиётгандай кўрсатиб.

Аслида эса у мовутчининг қизи кўз ўнгида тўртта қўйнинг жунини қандай қирқишини ўйларди. Чунки қиз унинг нимага қодирлигини кўради. Сантяго бу манзарани тез-тез кўз олдига келтирар ва ҳар гал хаёлида қизиқиб қараб турган қизга қўйни думидан бошлаб боши томонга қирқиб бориш кераклигини тушунтирарди. У яна бир қанча ғаройиб воқеаларни ҳам хотирасида жамлаб, қўйларни қирқаётиб, уларни қизга айтиб беришга чоғланарди. Бу воқеаларни китоблардан ўқиб олган эди, бироқ буларни ўз бошидан кечиргандай қилиб айтиб бермоқчи эди. Қиз бунинг ҳеч қачон тагига етолмайди: чунки у ўқишни билмайди-да.

Қария жуда қайсар чиқиб қолди. Чанқаб кетганини айтиб, бир қултум вино сўради. Сантяго кўзани узатиб, шу билан ундан қутилишга умидланди.

Қаёқда — қариянинг жағи баттар очилди, гурунглашгиси келди. Кўзани узатаётиб, бўз бола қандай китоб ўқиётганини сўради. Сантягонинг бошқа ўриндиққа ўтиб ўтиргиси келди, бироқ отаси унга кексаларга доимо хушмуомалада бўлишни насиҳат қилганди, шу боис у бир сўз демай китобни қарияга узатди: эҳтимол, китобнинг номини тўғри ўқишни у билар. Агар чол саводсиз бўлса, ўзи уни тинч қўяр, ноқулай ҳолга тушиб қолмай деб.

— Ҳим... — деди қария китобни қўлида айлантириб кўраркан, гўё бундай ғалати буюмга биринчи марта кўзи тушгандай. — Яхши китоб, зарур нарсалар ҳақида, бироқ ниҳоятда зерикарли.

Сантяго ажабланди: қария, демак, нафақат ўқишни биларкан, ҳатто айни шу китобни ўқиб чиққан экан. Начора, агар чиндан зерикарли бўлса, ҳали уни бошқасига алмаштириб олишга вақт бор.

— Бу китобда ҳам, деярли бошқа барча китобларда бор гаплар ёзилган, — давом этди қария. — Яъни одам ўз тақдирини ўзи танлай олмаслиги ҳақида. Бу китобдаги бор гап одамларни дунёдаги энг катта ёлғонга ишонтиришдан иборат.

— Қанақа у бу дунёдаги энг катта ёлғон? — ажабланди Сантяго.

— Мана шунақа: қандайдир лаҳзаларда бизнинг ҳаётимиз тизгини қўлимиздан чиқиб кетади ва уни беихтиёр тақдир бошқара бошлайди. Учига чиққан уйдирма.

— Мен учун, назаримда, буни тушуниш қийин, — деди Сантяго. — Мени, масалан, руҳоний қилмоқчи бўлишганди, мен эса чўпонликка кетдим.

— Шуниси маъқул-да, — бошини сермади қария. — Сен юрт кезиб юришни яхши кўрасан-ку.

«Менинг фикрларимни ўқиётганга ўхшаб гапиради», — ўйлади бўз бола.

Бу орада қария китобни, гўё қайтиб беришни хаёлига ҳам келтирмаётгандай, бамайлихотир варақлади. Фақат ҳозир Сантяго қариянинг эгнида арабча яктак борлигини пайқади — аслида бунинг ажабланадиган жойи йўқ: Тарифни Африка қирғоғидан торгина бўғоз ажратиб туради, уни бир неча соатда сузиб ўтиш мумкин. Арабларни шаҳарчада тез-тез учратасан — улар бир нималар сотиб олишади, бир кунда бир неча бор ўзларининг ғалати ибодатларини амалга оширишади.

— Сиз қаерликсиз? — сўради у қариядан.

— Ҳаммаерлик.

— Бундай бўлмайди-ку, — эътироз билдирди бўз бола. — Ҳеч ким ҳаммаерлик бўла олмайди. Мана мен, масалан, чўпонман, дашту далаларни кезиб юраман, бироқ бир жойда туғилганман, шаҳарчада, эски қаср турган тоғ ёнидаги, шу шаҳарчада мен туғилганман.

— Хўп, ундай бўладиган бўлса, мен Салимда туғилганман.

Сантяго билмасди Салим қаердалигини, бироқ сўраб ўтирмади, қизариб қолмай деб. У ташвишли қиёфадаги йўловчилар тинимсиз ўтиб-кетиб турган майдонга тикилиб қараб турди.

— Хўш, Салимда ҳаёт қандай?

— Одатдагидай.

Билиб олишнинг ҳеч иложи йўқ эди. Фақат бундай шаҳар Андалусияда йўқлиги аён эди, акс ҳолда Сантяго уни эшитган ёки кўрган бўларди.

— У ерда сиз нима иш билан машғулсиз?

— Нима иш билан машғулман? — Қария «қаҳ-қаҳ» отиб кулиб юборди. — Мен уни бошқараман. Мен — Салим подшоҳиман.

«Одамларга бир бало дориган ўзи, — ўйлади бўз бола. — Ҳақиқатан, тилсиз қўйлар билан андармон бўлиб юрганим маъқул аслида, емиши билан суви бўлса бас. Ёки китоб ўқиган тузук — ғаройиб воқеаларни билиб оласан, қачон хоҳласанг очиб ўқийверасан. Бироқ одамлар билан қийин: томдан тараша тушгандай бир нимани айтади, ўтирасан кейин устингга мағзава тўкилгандай, нима деб жавоб беришни билмай».

— Менинг исмим Мулксидқ, — минғиллади қария. — Қўйинг нечта?

— Кўп, — мужмал жавоб қилди Сантяго.

— Тўғриси, қанча? Демак, сенга менинг ёрдамим керакмас, қўйинг етарли, деб ҳисобласанг.

Бўз боланинг чиндан жаҳли чиқди. Ҳеч қандай ёрдам сўраб ўтирмади. Гапни қариянинг ўзи бошлади-да, аввал вино сўради, кейин китобни кўрай деди, энди унга гурунг беришинг керак.

— Китобни беринг, — деди у. — Мен йўлга чиқишим керак.

— Менга отарингнинг ўндан бирини берсанг, хазинага қандай етиб боришни ўргатаман.

Туйқусдан бўз болага ҳаммаси аён бўлди-қолди. Лўли кампир ундан сариқ чақа ҳам сўрамади, демак, қария кампирнинг эри, ўзи ҳам лўли бўлса керак, бир дунё ёлғон-яшиқ гапларни тўқиб, кўпроқ пул ундириш учун атай жўнатилган.

Бироқ Сантяго гапга оғиз жуфтлашга улгирмай, қария ердан бир шохчани олиб, қумга нималарнидир чизди. У эгилган чоғда кўкрагида нимадир шунақа нур таратиб ярақладики, бўз бола бир лаҳза кўр бўлиб қолди. Бироқ қария қартайган ёшига мос бўлмаган бир ҳаракат билан либосига бурканиб олди, Сантягонинг кўзи кўра бошлаганда, у оёқлари остида қария чизган шаклларни кўрди.

Кичкина шаҳарнинг бош майдонини қоплаган қумда у ота-онасининг исмларини ва ўзининг бутун ҳаётини айни дақиқаларгача — болаликдаги ўйинлари-ю диний мактабдаги совуқ кечаларни — ҳамма-ҳаммасини ўқиди. У дўкондор қизининг исмини ўқиди, буни энди билиши эди. У ҳали ҳеч кимга айтмаган нарсаларни: бир сафар кийик овлаш учун отасининг милтиғини сўрамасдан олганини ва ҳаётида дастлаб, фақат бир марта аёл билан тунаганини ўқиди.

«Мен — Салим подшоҳиман», — ёдига тушди унинг.

— Нега подшоҳ чўпон билан гаплашиб ўтирибди? — хижолатомуз, ювош тортиб сўради Сантяго.

— Бунинг сабаблари кўп, бироқ энг асосийси шуки, сен ўз Тақдиринг йўлидан боришга қодирсан.

— Бу қанақа Тақдир? — сўради бўз бола.

— Барча одамлар, ҳали навқирон пайтларида, ўз Тақдирини билишади. Умрнинг бу палласида ҳамма нарса тушунарли ва ўзлари хоҳлаган ишни амалга оширишга интилишдан қўрқишмайди. Бироқ вақт ўтиши билан бир сирли куч уларни ўз Тақдирини юзага чиқаришга эришишнинг иложи йўқлигига ишонтиришга киришади.

Қариянинг гаплари Сантягога унчалик таъсир қилмади, бироқ «сирли куч» уни қизиқтириб қолди — дўкондорнинг қизи буни эшитса, оғзи очилиб қолади.

— Бу куч афтидан ёмонликка йўғрилган. Бироқ амалда у одамларни ўз Тақдирини қандай юзага чиқаришга йўналтиради. Бу куч унинг руҳи ва иродасини шунга тайёрлаб боради. Бу сайёрада бир улуғ ҳақиқат мавжуд: сенинг кимлигингдан ва нима қилаётганингдан қатъий назар, қачонки сен бир нимани чин юракдан истасанг, бунга эришасан, чунки шундай истак Олам Қалбида яралади. Ва бу сенинг Ердаги насибангдир.

— Ҳатто агар мен фақат юрт кезиб юришни ёки дўкондорнинг қизига уйланишни хоҳласам ҳамми?

— Ёки хазинани қидирсанг-да. Олам Қалби инсон бахтидан озиқланади. Бахтидан, бироқ айни пайтда ғамидан, ҳавасу ҳасадидан, рашкидан ҳам. Одамнинг якка-ягона мажбурияти: ўз Тақдири йўлидан охиригача бориш. Ҳаммаси — шунда мужассам. Ёдингда тут, сен бирор нарсани истаган пайтда бутун Олам сенинг истагинг амалга ошишига ёрдам беради.

Бироз муддат улар майдонга ва ўтиб-кетиб турган одамларга жим қараб ўтиришди. Жимликни биринчи бўлиб қария бузди:

— Хўш, шундай қилиб нега энди сен қўй боқишга қарор қилдинг?

— Чунки дунё кезиб юришни яхши кўраман.

Қария майдон бурчагига қизил кажаваси билан келиб тўхтаган сариподроқ сотувчига ишора қилди.

— Болалигида у ҳам дунё кезишни орзу қилган. Бироқ кейин сариподроқ сотишни, пул топиб, мол-дунё йиғишни афзал билди. Кейинча, қариганда, у Африкада бир ойни ўтказади. Ўз орзусини амалга ошириши учун одамда ҳамма вақт ҳамма нарса борлигини тушуниш унга насиб этмаган.

**(Давоми бор)**

***Аҳмад ОТАБОЕВ таржимаси***

***Ko'pchilik ijodkorlarimiz qatori Muhammad Ali ham sho'ro davrida tutqunlik azobi, erkka tashnalik, ozodlik uchun kurashga da'vat etuvchi o'tli fikrlarni o'z asarlarida tarixiy voqealar vositasida va tarixiy shaxslar tilidan bayon etgan.***



# УМР САЛМОҒИ

Таниқли шоир, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг китобларини ҳар гал қўлимга олиб мутоалаа қилганимда, бир китобхон сифатида адиб асарларидан янги-янги жиҳатларни кашф этаман. 1997 йили "Шарқ" нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририятида нашрдан чиққан "Сайланма"сига кирган шеърий асарлар, "Сарбадорлар" романи менда бой таассурот қолдирди. Айниқса, шоирнинг халқ оғзаки ижоди оҳанглари билан уйғунлашиб кетган жарангдор мисралари ўқувчи қалбига ўзгача бир фараҳ, иштиёқ ҳисларини солади. Шунингдек, енгилмас эрксевар, матонатли баҳодирлари бўлган ўзбек юртининг бой маънавий мероси, шонли ўтмиши ҳақидаги ҳозирги замон насримизда Муҳаммад Алининг ижодий меҳнати алоҳида салмоққа эга.

Муҳаммад Али Андижон вилоятининг Бўз туманидаги сўлим Бешгул қишлоғида 1942 йили таваллуд топди. Ўрта мактабни Бекободда тугатди. Бугунги кунда ўзбек адабиётининг таниқли вакилларидан бири Муҳаммад Алида шеър ёзишга, ижодга иштиёқ мактабда ўқиб юрган пайтларда туғилган. Илк шеъри матбуотда эълон қилинганида у ўн беш ёшда эди. Кейинчалик Муҳаммад Али Москвадаги Адабиёт институтида таҳсил олди. Шу йиллари унинг ижоди гуркирай бошлайди ва 1967 йили шоирнинг "Фазодаги ҳислар" номли илк шеърий тўплами нашр этилди. "Оталар юрти", "Оқ нур", "Севсам, севилсам" каби шеърий тўпламлари, "Машраб" ва "Гумбаздаги нур" достонлари билан шоир кенг китобхонлар меҳрини қозонди, адабий жамоатчилик эътиборига тушди. Таъкидлаш жоизки, унинг "Гумбаздаги нур" достони айни кунда ҳеч бир ўзгаришсиз ўрта мактабларнинг 7-синф "Ўзбек адабиёти" дарслигига киритилган. Адиб "Боқий дунё" шеърий романида эса халқимизнинг аср бошидаги озодлик учун кураши тарихини акс эттирган. Муҳими, муаллиф асардаги бу курашни мустақиллик билан чамбарчас боғлаган.

Кўпчилик ижодкорларимиз қатори Муҳаммад Али ҳам шўро даврида тутқунлик азоби, эркка ташналик, озодлик учун курашга даъват этувчи ўтли фикрларни ўз асарларида тарихий воқеалар воситасида ва тарихий шахслар тилидан баён этган. Адиб тарихга тарихчи-мутахассис нуқтаи-назари билан эмас, балки ижодкор назари билан боқиб, ўтмишни замондошлар манфаати асосида идрок этишни маъқул кўради. Шунинг учун унинг асарларида катта ўрин эгаллаган тарихий сюжетлар ўзига хос талқин билан таъсирчан ифодаланган. Бу хусусият, айниқса, "Сарбадорлар" романида ёрқин акс этган.

Муҳаммад Али бадиий таржима соҳасида ҳам катта тажрибага эга. Айниқса, қадимги ҳинд эпоси "Рамаяна" унинг таржимасида муваффақиятли чиқди. Қорақалпоқ эпослари таржимаси Бердақ мукофотига лойиқ топилди. Сўнгра таржимон "Рамаяна" поэтикасининг ўзбекча талқини мавзуида илмий тадқиқот олиб борди ва филология фанлари номзоди илмий даражасига эришди.

Адиб Ғофур Ғулом номидаги нашриётда, Ўзбекистон телевидениеси, Ёзувчилар уюшмаси ва Тошкент Давлат университетида самарали меҳнат қилди. Айни пайтда Муҳаммад Али Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси раиси лавозимида фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, ўтган йилларда АҚШнинг Вашингтон университетида ўзбек тилини тезкор ўрганувчи ёзги курсларда сабоқ бериб келди. Адибнинг асарлари жаҳоннинг йигирма бешдан ортиқ тилларига таржима қилинган.

Шу кунларда "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти томонидан ёзувчининг "Улуғ салтанат" романи чоп этилди. Ўзининг қутлуғ олтмиш ёшини қаршилаган заҳматкаш адибимизга янги ижодий парвозлар тилаймиз.

***Бурҳон ЖАЛИЛ***

# АДИБ РУҲИНИ ШОД ЭТИБ

Халқимизнинг севимли шоири Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 110-мактабда бўлиб ўтган "Эй, умри азиз" мавзуидаги адабий-бадиий кеча ҳам аллома шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланди. Кечада ўқитувчи ва ўқувчилар, таниқли ёзувчи ва олимлар иштирок этишди. Тадбир давомида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пирим-қул Қодиров сўзга чиқиб, устоз адиб ижоди ҳақидаги хотираларидан гапириб берди. Ғафур Ғуломнинг қизи Олмосхон опа отасининг инсоний фазилатлари, одамохунлиги, меҳмондўстлиги хусусида йиғилганларга сўзлаб берди.

Мактаб ўқувчилари шоирнинг ўлмас шеърларидан намуналар ўқиб, "Шум бола" қиссаси асосида саҳна кўринишларини намойиш этишди. Мактаб бадиий жамоаси ижросидаги қўшиқ ва рақслар йиғилганларни хушнуд этди. Кечада Ғафур Ғуломнинг "Шум бола" қиссаси асосида ишланган фильмда шум бола ролини ижро этган Абдурайим Абдуваҳобов ҳам иштирок этди.

# ҚИШЛОҚҚА — МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР

*Мамлакатимиз аграр соҳага ихтисослашган бўлиб, аҳолининг қарийб 60 фоизи ўз ҳаётий орзу-умидларини шу соҳа билан боғлаган, десак муболаға бўлмайди. Айни пайтда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга қаратилган чора-тадбирлардан кўзланган мақсад ҳам ушбу соҳада меҳнат қилаётган аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилашга қаратилган, албатта.*

*Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда қишлоқда қатор янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни юз бермоқда. Бироқ, амалга оширилаётган кўпгина чора-тадбирларга қарамай, бу тармоқ ҳали-ҳамон бугунги давр тақозо этаётган ўзгариш ва талабларга амал қилиш йўлида энг оғир соҳа бўлиб қолмоқда. Ва бунинг бир қанча сабабларини сирасида соҳадаги кадрларнинг малакаси ва уларнинг замон талабларига мослаша олмаётганлиги билан изоҳлаш мумкин.*

***Anjuman***

*Яқинда Тошкент вилояти ЎМКҲТ муассасалари раҳбарларининг навбатдаги метод бирлашма йиғилиши шу йўналишда нафақат вилоятда, балки республикамизда ҳам намуна бўла оладиган Қибрай қишлоқ хўжалиги коллежида ўтказилди. Йиғилиш бошланишидан олдин таълим муассасалари раҳбарларига коллежда амалга оширилаётган таълим-тарбия ишлари, бу ердаги ўқув-техник устахоналар таништирилди.*

*— Республикамиздаги касб-ҳунар коллежлари олдига қўйилган асосий вазифалардан бири — бу ишлаб чиқариш корхоналари учун малакали мутахассислар етказиб беришдан иборат, — деди йиғилишни очар экан вилоят ЎМКҲТ бошқармаси бошлиғи Т.Умаралиев. — Шу боис, коллеж талабаларига билим беришда, биринчи навбатда, уларнинг ишлаб чиқариш корхоналарида фаолият кўрсатишини таъминлай оладиган жиҳатларга эътибор қаратиш лозим. Бунда касб-ҳунар коллежларининг корхоналар билан ҳамкорлиги ҳамда уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамлигига кўп нарса боғлиқ.*

*— Коллежимиз моддий-техник шароитларини мустаҳкамлашда Германия техник ҳамкорлик ташкилоти катта ҳисса қўшмоқда, — дейди коллеж раҳбари Шуҳрат Искандаров. — Мазкур ташкилот республикамиздаги бир қатор ЎМКҲТ муассасаларини техник жиҳозлашда фаол иштирок этаётган бўлиб, коллежимизда "Қишлоқ хўжалиги машиналарига техник хизмат кўрсатиш механиги" лойиҳасига асосан уч йилдан ортиқ давр мобайнида иш олиб борилмоқда. Шунинг натижаси ўлароқ, ўтган йиллар давомида коллеж ўқув устахоналари хорижий ва маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарида тайёрланган ва айни пайтда фойдаланилаётган юзлаб турли хил техник воситалар ва эҳтиёт қисмлар билан жиҳозланди. Улар ёрдамида коллеж талабалари амалиёт билан шуғулланишлари учун имкон яратилди ва дарс соатларининг қарийб ярми шу мақсадга ажратилди.*

*Йиғилиш қатнашчилари қатор муҳим масалаларни муҳокама қилиб бўлгач, коллеж талабалари иштирокидаги ўнлаб очиқ дарсларни бевосита ўқув-тажриба устахоналарида кузатиш имконига эга бўлдилар.*

***Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ,***
***"Ma'rifat" мухбири***

# КИЧКИНТОЙЛАР ЭРТАК ТИНГЛАЙДИГАН МАСКАН

**Собир Раҳимов туманидаги "Шуҳрат" маҳалласида Нодирабегим номидаги болалар кутубхонаси бор. Маҳалланинг ҳар бир китобсеварини шу даргоҳдан топасиз. Баъзан ўз фарзандларимиз ҳам китоб ўқимаслигидан нолиймиз. Кимдир ҳозирги кунда болалар китоб ўқимай қўйган деган фикрни қўллаб-қувватлаши ҳам мумкин. Ўқувчилар китобни севмай қўйган, кутубхоналарга бормай қўйган деб ўз-ўзимизни ишонтириб қўйганмиз.**

**Мунаввара Эшбоева раҳбарлик қилаётган болалар кутубхонаси ходимлари эса юқоридаги фикрларга қўшилишмайди.**

**—Биз,— дея мавзуни давом эттиради Мунаввар опа, кутубхонамиздаги 32 мингдан зиёд китобларнинг ўз ўқувчилари борлигидан хурсандмиз. 13 мингга яқин ноёб адабиётларимиз мавжуд. Уларнинг сақланишига алоҳида эътибор берамиз. 30 йиллик меҳнат фаолиятим мана шу даргоҳда ўтди. Шунинг учун маҳалла аҳли бизни "маънавият, маърифат улашувчимиз" деб аташади.**

**Маҳалла болаларининг бўш вақти кўпинча мана шу ерда ўтади. Маҳалланинг барча боласи китобхон. Ушбу зиё масканида ўтказилаётган тадбирлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Айниқса, маънавият, маърифатни тараннум этган, муҳаббат куйчиси Нодирабегимга бағишлаб ўтказиладиган тадбир анъана тусини олган.**

**Яқинда "Обод маҳалла йили"га бағишлаб ўтказилган "Оиладаги қувноқлик аёлга боғлиқ" деб номланган байрам дастури ҳам маҳаллада истиқомат қилувчи ҳар бир кексаю ёш, эркагу аёлда катта таассурот қолдирди. Тадбирни кутубхона раҳбари Мунаввара Эшбоева ва кутубхоначи Мавжуда Собирова ташкиллаштирди.**

**— Кутубхона 1979 йилда ташкил этилган. Тўғриси, биномиз замон талабларига жавоб бермайди. Шундай бўлса-да, китобсевар болаларнинг кўплиги бизни ўз устимизда ишлашга ундайди. Уйим кутубхонага яқин бўлганлиги боис болалар ҳатто уйимга ҳам ўқиган китобларини топширгани, янги китоб олгани келишади. Ҳар қандай адабиёт уларга уч кундан етти кунгача берилади. Биз яқин-атрофда жойлашган 234-, 242-,134-, 15-мактаблар билан яқин ҳамкорлик қилиб келамиз. 299-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари кутубхонамизга келишади. Мана шу ерда уларга ўзим эртак ўқиб бераман. Кичкинтойлар хотирасида эса бу жуда ширин хотира бўлиб қолади. Улар улғайишгач эса болалигида тинглаган эртаклари туфайли адабиётга, мана шу зиё масканига меҳр қўйишади. Кўпгина аъзоларимиз ҳам ана шундай боғча ёшиданоқ шу ерга келиб, эртак тинглаб катта бўлган болалардир, - дея суҳбатни якунлади М.Эшбоева.**

*Маъмура*
***МАДРАҲИМОВА***

***Mana, ekspeditsiyadan qaytib kelganimizga ham bir oydan oshdi. Cho'qqilarni go'yo kecha zabt etgandaymiz.***

# ЧЎҚҚИЛАРГА БОШЛАР ОРЗУЛАР

## *Ёки бир экспедиция таассуротлари...*

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортнинг кенг қулоч ёйиб, ривож топаётганини аньана тусини олганлигини "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" каби спорт ўйинлари мисолида кўришимиз мумкин. Болаларда жисмоний тарбияга меҳр ва интилишни уйғотиш, уларни спортнинг сеҳрли оламига олиб кириш учун яна бир хайрли ишга қўл урилди. Яъни, болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилди.

Сирасини айтганда, болалар спортини ривожлантириш бош концепцияси негизида "Соғлом оила" мусобақаларини шаклантириш масаласи борлиги аҳамиятга моликдир. Давлатимиз раҳбари: "Ота-оналар ҳеч бўлмаса шанба-якшанба кунлари ўз фарзандларини олиб стадионга борса, ўзи ёқтирган спорт билан шуғулланса, шу куни ўша оилага нур ёғилгандай бўлади" — деб бежизга айтмаганди. Чунки, бу оилада мустаҳкам соғлиқни таъминловчи устувор йўлдир.

Мактаб ёшидаги тўрт нафар фарзандим (кичиги 1-синф, каттаси 8-синфда ўқийди) билан ҳафтада икки кун стадионга чиқиб спорт билан шуғулланамиз. Бундан ташқари, "спорт — саёҳат" деб номланган оилавий дастуримиз ҳам бор. Стадионда ўрганган маҳорат ва матонатимизни кўрикдан ўтказиш мақсадида йилда икки-уч марта кичик альпинистлар бўлиб, даладашт, тоғларга чиқиб кетамиз. Оилавий спорт мусобақаларимиз мана шундай экспедицияларда неча йилдирки, мунтазам ўтказилиб келиняпти. Мен яқинда ана шундай сафардан қайтиб, улар ҳақида суратлавҳали иккита альбом-китоб ҳам ёзишга муваффақ бўлдим.

Келинг яхшиси бу альбомдаги Чилмаҳрам дашти, унинг ясси тоғлари ва буюк чўққиларига қилинган спорт-саёҳат шаклидаги альпинистик экспедициянинг айрим лавҳаларидан сизларга ҳам сўзлаб берсам.

### "ТУПКАНИНГ ТАГИДАГИ ЧИЛМАҲРАМ"

— Дада, Чилмаҳрам қайси тарафда, — сўради ўғлим Раҳимжон, экспедицияга жўнаб кетиш олдидан барча нарсаларни тахт қилиб, сўрига ўтирганимда.

— Машинага тушиб, мана бу ёққа кетаверасан, кетаверасан — дейман шимол томонни кўрсатиб. — Йўл юрамиз, йўл юрсак ҳам мўл юрамиз, кейин тупканнинг тагига етамиз. Ана ўша ер Чилмаҳрам бўлади.

— Яна қаёққа отланаяпсизлар, болам? — сўрайди онам, бир чеккага териб қўйилган рюкзак, қармоқлар, картон қутиларга ғамлаб қўйилган озиқ-овқатларга нигоҳ ташлаб. — Онангни соғинмадингми? Ўтган сафар ҳам Тошкентдан келдингу Хоняйлов томонларга чиқиб кетдинг. Бола бўлиб, онанг бағрида дам олиб ўтиришни ҳам билмайсан.

— Соғинганмиз сизни бувижон, — дейди болалар менинг ўрнимга жавоб бериб, — Чилмаҳрамга борамиз, тоғ чўққиларига чиқишимиз керак.

### ТАРИХНИНГ УНУТИЛГАН КИТОБИ

Чилмаҳрамнинг буюк дашти, Бешпанжа сингари шарқдан ғарб томон тарвақайлаб кетган тоғлари, олмос чўққилари-юмовий сувлари... Қадим замонларда ҳозирги тоғмисан тоғ бўлиб турган Ҳимолай, Помир, Олой, Тёншон, Туркистон, Ҳисор-Зомин тизмалари тоғ шаклида кўтарилиб улгурмаган пайтда Чилмаҳрам даштлиги ва унга туташ Комилчўл Ҳадарвеш сарҳадлари ўрнида уфқдануфққа туташган денгиз бўлган экан. 100 миллион йиллар давомида бу ердаги тоғлар емирилиб, олмос чўққилар тарашланиб бораверган. Элнинг, юртнинг пушти-паноҳи бўлган ўша тоғлар узоқ ўтмиш тарихининг унутилган китоби бўлиб бугунги кунларгача етиб келган.

### ЗУМРАД ЯЙЛОВДАГИ ТАЙЁРГАРЛИК

Машинамиз Чилмаҳрам дашти томон ичкарилаб кетди. Атрофда жон асари кўринмайди. Дашт шу қадар ҳудудсизки, бу ерда одам боласи қум заррасидай кўринади. Мана тоғлар қуршовидаги майсалар ширага тўлган зумрад ўтлоққа келиб тушдик. Альпинистлар лагеримизни табиий муҳитга мослашиш жараёнига ўтказиш учун акклиматизация жараёнини ўтказишди. Сайхонликка яқинроқ ердан тоғ жилғаси оқиб ўтаркан, биз забт этмоқчи бўлган тоғ шундоқ кўриниб турибди.

Акклиматизация катта альпинизмда бир ҳафта, ўн кун кечади. Турли одамда турлича ўтадиган бу жараён ўтиб кетмагунча альпинист тоққа чиқиши мумкин эмас. Акс ҳолда тоғ касаллигига учрайди. Бу эса чўққи штурмини йўққа чиқаради.

... Чодир хўжалиги юмушларини бир онда саранжомлаб олдик. Дарё ва кўл бўйларига сайрга чиқишдан аввал болаларга Алплагер тартиб-интизоми, алпинизм техника хавфсизлиги ҳақида огоҳлантирдим:

— Лазизжон, Шоҳрух, Латиф ва Раҳимжон ов милтиғига тегишни тақиқлайман. Дарё ва кўлга сайр пайтида гуруҳдан ажралиб кетиб қолишга рухсат йўқ. Сувга тушмайсизлар, тоққа чиққанда муҳофаза арқони билан ҳаракатланасизлар. Тош кўчганда, қандай ҳаракат қилиш лозимлигини биласизлар. Кимда-ким тартибга бўйсунмаса, чўққиларни забт этишдан четлаштирилади. Бу нима дегани биласизларми? Бу Ўзбекистоннинг кичик альпинисти деган шарафли номдан маҳрум бўлиш дегани.

— Ҳамма айтганларингизни бажарамиз, — сўз беришди улар.

### ЯЙЛОВ ОҚШОМИ

Қушқўнмаснинг қайрилишида кундузги сайрни якунлаб, чодирга қайтдик. Қуёш ботгач, Шайтонкўл томонда шамол аралаш шўрҳок чанг-тўзон кўтарила бошлади. Овқатни тановвул қилиш учун чодир ичига ёзилган дастурхон атрофига ўтирдик. Бўсағада вишиллаб, шамчироқ ёнмоқда. Шишанинг чироғи эса ожизгина нур таратиб турибди.

Яйловга қоронғуликни шамол суриб келган булут олиб келди. Дабдурустдан чақмоқ йилт этдию, зум ўтмай тоғу дашт ярақлаб кетди.

— Ёмғир ҳам бошланди, — дедим овқат ейишдан тўхтаб киприк қоқмай ташқарида бошланган қиёмат-қойимга қулоқ солиб турган болаларга.

Яна шамол увиллаб, хуштак чалиб чодир деворини тортқилай кетди. Яна гулдурос сас бериб еру кўкни титратди.

Энди йирик-йирик томчилар чодирни савалай бошлади.

— Чодирдан ёмғир ўтмайдими? — оғзида луқма ғўлдиради Лазизжон.

Кўзларини катта-катта очиб чироқ шуъласига тикилиб ўтирган Латифжон билан Шоҳрух ялт этиб менга қаради. Кўзларида қўрқувга ўхшаш ифодасиз бир учқун ёниб-ўчди.

— Чодиримиз мустаҳкам, ундан на ёмғир ўтади, на шамол жойидан қўзғата олади, — жавоб бердим ишонч билан.

Бир зумда чодир ҳавоси биёбонда ёмғирда бўккан шувоқ ҳидига тўлди. Чақмоқ эса ҳамон туннинг бағрини ёрарди. Яна гулдираш, яна ваҳима.

Тун алламаҳал бўлганда, болалар ухлаб қолди. Экспедицияда ҳамроҳ бўлган кучугимиз Зийракни чодир эшигига яқинроқ ердаги қозиқчага боғлаб мен ҳам ўрнимга чўзилдим.

Дарҳақиқат, эртага чўққиларни забт этамиз.

### ЧЎҚҚИЛАРДА НИГОҲИМ

Дунёда ҳали бу ёш альпинистлар чиқмаган чўққилар кўп. Баландлиги ва номланиши турлича: Ҳимолайда — Жомолунгма (Эверест)-8848 м. Макала-8475м.; Помирда — Улуғбек-7495 м.; Рўдакий-7134м.; Кавказда — Эльбрус-5642м.; Аляскада — Мак Кинли-6193м.; Антарктида — Эребус-3794м... Чилмаҳрамда эса Коранор, Сиртлон, Қўшўркач, Атан, Бўғра.

Менинг ҳикояларимдан ёш спортчи дўстларим ер юзида 8 минг метрдан кам бўлмаган 14 та чўққи борлигини яхши билишади. Чилмаҳрамдаги юқорида номларини санаб ўтган осмон устунларининг ҳеч бири маҳобат ва салобатда дунё эверестларидан кам эмас. Ҳали чўққига тик кўтарилаётганда, мана шу мурғак қалбли альпинистлар ўз кўзлари билан кўради: бирорта қуш бу чўққиларнинг тепасидан учиб ўтолмаётганини.

... Бу ерда сенга ҳеч ким қасд қилмаса ҳам, бир хато қадам ташласанг, шунинг ўзи кифоя. Муқаррар ўзингни ўзинг нобуд қиласан. Бу чўққиларга на ёзнинг иссиғи, на қишнинг совуғи, на бўронлар писанд эмас.

Ҳар қадамда хавф-хатар бор. Ҳар лаҳзада нимадир юз бериб туради. Текисликда ҳеч ким ҳеч қачон бу ердагичалик ўз оёғини ҳушёр босишга эътибор бермайди. Тоғда оёқларинг — сени марра-мақсадга элтувчи ишончли аъзоингдир.

Гоҳида оёғинг ёки шамол унчалик катта бўлмаган тошни жойидан қўзғатиб, пастга думалатади, унинг кетидан кўчки юз беради.

Шамолнинг гувиллашию, альпинист болалар крассовкалари остидаги майда шағалнинг ғирчиллашигина тоғ сукунатини бузмоқда.

Бизга қарама-қарши турган тоғ шамоли, совуқ, баландлик, кўчки — буларнинг барчаси ҳар қадамда ўзининг совуқ нафасини сездира бошлади. Яна битта кўзга кўринмас даҳшатли куч бор: у ҳар биримизнинг ўй, фикр ҳамда руҳиятимиздаги қўрқувдир. Бу қўрқувни енгган "қор қоплони"гина чўққини забт эта олади.

Шунинг учун ҳам болаларга далда бериб келяпман:

— Кўнглингизга "Чўққига чиқа олмайман" деган шубҳани зинҳор яқинлаштирманг. Аксинча, "Чўққига, албатта, чиқаман", деб ич-ичингизда такрорлаб қадам босинг.

Гўё ўргимчакдек ўрмалаб, канадек ёпишиб бўлса ҳам сел сувлари ўйиб юборган ғовак ғорларни четлаб ўтиб бораяпмиз. Аммо, чўққига ана чиқамиз, мана чиқамиз деб қанча олға интилмайлик, йўлнинг поёнига етмасдик.

Хайриятки, ногаҳон оқ ажал бўлиб жонимизга қасд этадиган қор кўчкилари бу тоғларда юз бермайди. Биз 40 даражали совуқ исканжага олганда бир сония ҳам туриб бўлмайдиган чўққига кўтарилаётганимиз йўқ. Аммо тоғ тоғда! Унда хатарнинг катта-кичиги бўлмайди. Айниқса, мана бу мурғак ёшдаги болалар назарида қаршимизда найза каби юксалган Атан, Сиртлон, Оқмоя қайси Эверестдан кам?! Фақат кўра-била туриб бўшлиққа, ҳув тубанда жаҳаннам қаъридек оғиз очиб турган жар устига қадам қўймасак бўлгани.

Сиртлон чўққисини ошиб ўтиб, Қўшўркачни мўлжал қилиб, йўлга тушаётганда муҳофаза арқонлари билан болалар бир-бирларини боғлаб олишди. У бизни хавфли йиқилишдан тутиб қоладиган нажот риштасигина эмас, балки унда рамзий маъно бор: арқон бир-бирини муҳофаза этиб бораётган ёш альпинистлар юракларидан юракларига тортилган меҳр, шафқат, муҳаббат ришталари ҳамдир.

### БАРДАМ БЎЛИНГ, БОЛАЛАР

Босиб ўтилган ҳар ўн қадамдан сўнг ўтириб дам оламиз. Нафасни ростлаш учун кўкисимизни тўлдириб ҳаво ютамиз. Ҳарсиллашимиз босилгач, яна оёқларга куч берамиз. Мен ўзимдан келаётган ички овозга қулоқ тутаман: "Болаларга далда бер, улар қўрқишмасин, яна озгина ғайрат қилсак, тамом! Чўққи штурм қилинади".

— Қани, болалар бардам бўлинглар, ҳозир чўққига етиб оламиз.

Шамол чанг аралаш ёмғир томчиларини юзимизга ура бошлади. Уст-бошларга чўққи нафаси урилиб, совқота бошладик. Лекин бу қийинчиликларни енгиб ўтишга мажбурмиз. Оғир қадамлар ташлаймиз...

Мана, ниҳоят йўл тугади. Ҳар тарафдан биз альпинистларни бўшлиқ қуршаб олди. Фақат оёқларимиз остидагина чўққи тошлари.

Наҳотки, Қўшўркачнинг энг юқори нуқтасига чиқиб олган бўлсак. Кўзларимиз алдамаяптими? Йўқ, ҳаммаси рост! Чўққини забт этдик!

Лазизжон рюкзагининг чуқур чўнтагидан Ватанимиз рамзи — кичкина байроқчани олиб Раҳимжонга узатди. У байроқча дастасини алюмин трубага чилвир билан маҳкам боғлаб, боши узра кўтарди. Байроқча чўққи шамолида уни тутиб турган қўллардан учиб кетаман дейди. Болалар узоқ орзу қилган мана шу олтин лаҳзаларни муҳрлаш учун фотоаппарат мурватини босдим.

... Ҳали олдинда хавф-хатардан ҳоли бўлмаган йўл бор. Чўққида бўлганимиз ҳақидаги ёзувни катта альпинистлар сингари қутига солиб кўмиб қўйгач чўққини тарк этдик.

### ЭСДА ҚОЛАРЛИ ТААССУРОТЛАР ЁХУД...

Ҳар бир босган қадамимиз, ўтказган кун, ҳафта, ойимиз бизни Чилмаҳрам дашти, ясси тоғ ва унинг буюк чўққиларидан узоқлаштиргандан узоқлаштириб бормоқда.

Мана, экспедициядан қайтиб келганимизга ҳам бир ойдан ошди. Чўққиларни гўё кеча забт этгандаймиз. Яна ойлар, йиллар ўтса-да, спорт-саёҳатимиз таассуротлари фарзандларим хотирасида кечагидай қолиши шубҳасиз.

Менинг назаримда, Чилмаҳрам экспедицияси болаларга тоғлар дунёсини очиб бериб, кичик альпинизм деган спорт тури билан ошно бўлишларига имконият яратди.

Катта альпинизм негизида муштарак ғоя мужассам: тинчлик, барқарорлик, халқлар ўртасида дўстлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатликни барпо этиш.

Болалар спорти ва унинг кичик альпинизми негизида ҳам бир мақсад, ягона ғоя бор: фарзандларимизда ёшликдан Ватанни севишни ўрганиш, спорт орқали жамоага ҳурмат, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, ютуқларидан қувониш орқали ўзаро меҳр-муҳаббат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик сингари инсоний фазилатлар шакллансин. Баркамол авлод бўлиб вояга етишсин.

***Зоҳиржон ҲАЙДАРОВ,***
***журналист***

*"Hamal kirdi — amal kirdi" maqolining tarixiy asoslarida uzoq ajdodlarimizning o'luvchi va tiriluvchi tabiat haqidagi tasavvurlari yotadi.*



*Mana shunday ajoyib kunlarga yetib kelganimizga shukur. Sumalakni bekitib pishirgan kunlarimiz ham bo'lgan.*



# НАВРЎЗ — ОҒАҲИЙ ТАЪРИФИДА

*Қуёш ўзининг йиллик ҳаракати давомида икки марта олам экваторини (23 градус 27 дақиқа бурчак билан) кесиб ўтади. Биринчиси, 21 март оқшоми содир бўлади ва бу пайтда баҳорги тенг кунлик ҳолати кечади. Иккинчиси эса, яъни, кузги тенг кунлик 23 сентябрга тўғри келади. Шу икки кунда кечаси ҳам, кундуз ҳам баравар 12 соатдан бўлади.*

*21 март қадимги Шарқ ва Ўрта Осиёда, туркий тилда "йилбоши", форсийда эса "Наврўз" (янги кун) деб юритилган. Наврўзни "сади пок", покиза юз яъни, табиатда юз кунлик қиш совуқлари тугади, деб ҳам атайдилар.*

*Маълумки, Наврўз айёмида қадимги Шарқда, жумладан, Ўрта Осиёда, йил боши, наврўз, наvirбаҳор, гул сайри, қозон тўлди тантаналари бошланиб кетади.*

*Наврўз-форсча сўз бўлиб, нав-янги, рўз-кун. Қуёш (шамсия) йили ҳисобида янги йил кирган кун. Луғатларда бу сўзга ана шундай изоҳ берилади.*

*XI асрда яшаб ижод этган шоир ва файласуф Юсуф Хос Ҳожиб жаҳон адабиётининг энг гўзал намуналаридан бўлган "Кутадғу билиг" ("Саодатга бошловчи билим") асарида баҳор ва Наврўз ҳақида шундай ёзган эди:*

*Қуёш қайтди яна келиб ўрнига,*
*Балиқ қуйруғидан Қўзи бурнига.*

*Яъни, Қуёш кеча ва кундузнинг тенглик нуқтаси — олам экваторига қайтиб, ўрнига келди ва Балиқ (Ҳут) буржидан Қўзи (Ҳамал) юлдузлар туркумига ўтди, деган эди.*

*Шеърият мулкининг султони ҳазрат Мир Алишер Навоий "Ҳазойинул маоний" асарида қадимий ва навқирон айём ҳақида:*

*Васли аро, тенг эмиш бўйию сочи,*
*Тун кун тенг экан зоҳир ўлур бўлди чу наврўз.*

*деб ёзган эди.*

*"Ҳамал кирди — амал кирди" мақолининг тарихий асосларида узоқ аждодларимизнинг ўлувчи ва тирилувчи табиат ҳақидаги тасаввурлари ётади. Бинобарин, ўт-ўлан, дов-дарахтларнинг амалга кириши табиатдагина эмас, балки жамиятда ҳам жонланишли бошлаб берган.*

*Ана шу покланиш, янгиланиш, гўзаллик, тўкин-сочинлик шодиёнаси миллий байрамимиз ёзма манбаларда ҳам ўз ифодасини топган.*

*Қўлёзмаларни чуқур ўрганиш ва мукаммал таниишимдан аён бўлдики, XIX аср Хоразм адабий муҳитининг йирик сиймоларидан бири, ҳазрат Навоийдан кейин "кўп ва хўб" шеър айтган қомусий билим соҳиби, шоир, олим, буюк таржимон, давлат арбоби ва зукко тарихнавис ва бевосита ана шу тарихий воқеаларнинг шоҳиди бўлган Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Оғаҳийнинг "Гулшани давлат" тарихий — бадиий асарида Наврўз шодиёнаси юксак бадиий маҳорат билан, айниқса, "баҳор султони"нинг "карам ва эҳсон маснадида ўлтириши", хазинаси эшикларини очиши, саховат ва ҳиммат кўрсатиши беҳад гўзал сатрларда қуйидагича тасвирланади:*

*... Тарих ҳижрий минг икки юз етмиш иккига мутобиқ эрди. Чун ҳазрати соҳибқирон, мамлакатнинг (Саййид Муҳаммад Баҳодирхон — 1856-65 йилларда ҳукмронлик қилган Хива хони) жулуси саодат маъмусидин, ўттиз секиз кун тамом*

(Давоми 9-бетда)

Зал байрамона безатилган. Баҳор, Наврўз байрамига бағишланган деворий газеталар осилган. Залнинг бир томонида ўқувчиларнинг Наврўзга бағишлаб ёзган маърузалари, мақолалари, шеърлари қўргазмага қўйилган.

Залнинг иккинчи томонида эса, гуллар билан безатилган арғимчоқ, ўқувчиларнинг ўзлари ясаган турли хилдаги варраклари. Бундан ташқари, ўқувчи қизларимиз томонидан пиширилган баҳор таомлари ва пиширикларни, ундирилган буғдой майсаси ҳам бор.

**Ўқитувчи:** — Ассалому алайкум азиз, ҳурматли меҳмонлар, ҳамкасблар ва ўқувчилар!

Яна, серқуёш юртимизга қалбларимизни олам-олам қувонч, шодликларга, ширин ҳиссиётларга тўлдириб сўлим баҳор фасли кириб келди. Баҳор фаслининг энг қувончли байрамларидан бири Наврўздир. Шу байрам муносабати билан ҳаммангизни табриклаб, сизларга бахт-саодат, шоду хуррамлик тилаб "Ассалом, Наврўз!" мусиқий-адабий кечамизни томоша қилишга таклиф этамиз.

*Залда зилол сув шалоласи, сайроқи қушлар садоси ва най навоси эшитилади. Сўнг, шеър ўқилади:*

***Кўкда олтин камалак,***
***Дош қозонда сумалак,***
***Даврага чорлаб тинмай,***
***Жар солар карнай-сурнай,***
***Наврўз муборак, Наврўз!***

*Залда карнай-сурнай садолари янграйди. Карнайчи, сурнайчи, ноғорачилар ўлкамизга Баҳор, Наврўз келганидан хабар берадилар.*

*Сўнг "Баҳор вальси" чалинади. Саҳнага аста-секин адабий кечани олиб борувчилар чиқишади.*

**1-олиб борувчи:**
***Ассаломдан бошланур сўз,***
***Кўҳна расм этсин давом.***
***Бугун Наврўз айёмида***
***Дўстлар сизларга ассалом!***

**2-олиб борувчи:**
***Одатда офтоб ҳам***
***Бошлар сўзин саломдан,***
***Кўлимиз кўксимизда***
***Ассалому алайкум!***

**1-олиб борувчи:** Мана, бир неча кундирки, ўлкамиз узра баҳор нашидаси кезмоқда. У ўзи билан бирга бахт, қувонч, муҳаббат каби турли ҳиссиётларни олиб келди.

**2-олиб борувчи:** — Баҳор табиатнинг энг сўлим, энг гўзал фаслларининг келинчагидир. Бу фаслда дала-боғлар, яшил либосда, дашту биёбонлар ранг-баранг гуллар билан безанган бўлади.

Баҳор — бу яшиллик, гўзаллик тимсоли.

Бу йилги баҳор ўзгача файз билан кириб келди.

**1-олиб борувчи:**
Яна келди эркатой кўклам
Ёшлиқдай шўх, нурдай юғурак,
Тоқдан тошга жўш уриб шошар —
Қаёққадир зилол шалола,
Қандай гўзал баҳор туҳфаси!

**2-олиб борувчи:**
Хушбўй тарар ялпизлар,
Гул яшар ўғил-қизлар.
Кўклам бўлиб поёндоз,
Ҳаммани қилар эъзоз,
Наврўз муборак, Наврўз!

*Залга жарчилар кириб келишади.*

**5-ўқувчи:** — Бор-ҳо,
**6-ўқувчи:** — Кел-ҳо.
**5-ўқувчи:** — Ҳой, ҳой одамлар,
**6-ўқувчи:** — Эшитмадим деманглар.
**5-ўқувчи:** — Эшитганлар кетманглар.
**6-ўқувчи:** — Баҳорой келяпти-ла-рей!
**5-ўқувчи:** — Сайил томоша бошланур.
**6-ўқувчи:** — Кўрганлар дармонда,
**5-ўқувчи:** — Кўрмаганлар армонда.
**6-ўқувчи:** — Бор-ҳо,
**5-ўқувчи:** — Кел-ҳо.
**6-ўқувчи:** — Наврўзой келяпти-ла-рей!

*Залда "Баҳор вальси" яна эшитилади. Залга қўлида бинафша гуллар билан Баҳорой кириб кела бошлади.*

**1-олиб борувчи шеър ўқийди:**

# "АССАЛОМ, НАВРЎЗ!"

## МУСИҚИЙ АДАБИЙ ТОМОША КЕЧАСИНИНГ СЦЕНАРИЙСИ

***Нега шамол еласан шодон,***
***Шилдирайсан ўйноқи анҳор.***
***Севинмайин нечун эй ўғлон***
***Баҳор келди, ахир гулбаҳор***
***Салом сенга эй азиз Баҳор!***

Олиб борувчилар Баҳоройни кутиб олишади ва Баҳорой шеър ўқийди.

Шамоллар шовуллайди, сувлар айқиради, қуёш чарақлайди. Биз зумда ҳавони булут қоплайди. Қарс-қурс чақмоқ, момақалдироқ гулдурлаб қолади. Кўкдан зумрад томчилар ёғила бошлайди.

Бу — Баҳордан, мендан нишона.

*("Баҳор вальси" давом этади.)*

Залга югириб, қанот қоқиб гул сочиб Наврўзак кириб кела бошлайди:

**2-олиб борувчи шеър ўқийди:**
***Гарчи кечаларнинг ҳарорати паст,***
***Этни жунжуктирар бу тунлар гарчи,***
***Офтобли кунларга ихлос ва ҳавас***
***Олиб учиб келди Наврўзак-элчи.***

*Саҳнага Наврўзак етиб келади, олиб борувчилар Наврўзакни кутиб олишади ва Наврўзак шеър ўқийди:*

**Наврўзак:**
Мен, Наврўзак баҳор элчиси,
Мен, Наврўзак, шодлик қуйчиси.
Бўғотларда мусиқалар қўшиғи бошланади.
Қалдирғочлар вижир-вижири яна хушнуд авжига чиқади. Қушлар парвози, табиат нозини кўриб бир олам илҳом, завқ олади киши.

Бу кўкламдан, мендан нишона.

*("Баҳор вальси" давом этади.)*

Залга қўлида бинафша, гуллар билан Наврўзой кириб кела бошлайди.

**1-олиб борувчи шеър ўқийди:**
***Фаришталар кафтимга қўнди.***
***Хурлар менга айтдилар эртак,***
***Кўзларимда юлдузлар кулди.***
***Шамоллар ҳам тилгди тилак***
***Наврўз кириб келиб бу тонгда.***

Олиб борувчилар Наврўзойни кутиб олишади.

**Наврўзой:**
Дошқозонларда сумалакларнинг пишиши, кунларнинг илиб бориши, қир-адирлар ва дарахтларнинг гулларга бурканиши, ёғаётган ёмғир бирдан тиниб, йилт этиб қуёшнинг кулиши, марварид томчилар узра, ердан кўкка қадар турфа ранглар жилва қилиб камалакнинг кўриниши қандай гўзал манзара.

Бу Наврўздан, мендан нишона.

(Сўнг Баҳорой, Наврўзак, Наврўзойлар саҳна тўридан жой олишади.)

Залда Р.Холиқов ижросидаги "Бугун Наврўз" ашуласи янграйди.

(Раққоса қиз рақсга тушади)

**1-олиб борувчи:** Наврўзнинг келиб чиқиши ҳақида гапиради.

**2-олиб борувчи:** Фирдавсий, Абу Райҳон Беруний, Умар Хайём ва Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахийларнинг асарларида Наврўз ҳақида ёзиб қолдирган маълумотлари ҳақида сўзлайди.

**1-олиб борувчи:** — Баҳор келиши билан, баҳорий турфа анвойи гуллар очилиб, муаттар хушбўй атрини атрофга таратиб, ўзини кўз-кўз қилади.

(Саҳнага баҳорий гуллар билан ўқувчилар чиқиб: бойчечак, бинафша, лола ҳамда чучмомалар ҳақида шеърлар ўқишади.)

(Сўнг, Баҳорой, Наврўзойлар меҳмонларга бинафшалар тақдим этадилар.)

(Залда Ш.Исроилова ижросидаги "Гулилола" қўшиғи янграйди.)

**1-олиб борувчи:** — Баҳор келиши билан ўғил болалар варраклар ясаб, варрак учиришади, қизлар эса тол новдаларидан тол баргаклар, гулчамбарлар ясашади ва лапарлар айтиб, арғимчоқлар учишади.

Саҳнага жажжи ўқувчилар чиқишади.

Бир томонда ўқувчи қиз, синглисини арғимчоқ учиради ёнида эса қизлар тол новдаларидан толбарглар, гулчамбарлар ясашиб, бир-бирларига кўрсатишади.

Иккинчи томонда ўғил болалар, ўзлари ясаган варраклارини кўз-кўз қилишади.

Сўнг, саҳнага ўғил болалар чиқиб, "Ким оладиё" ўйин-ашуласини ижро этишади.

Шундан сўнг, саҳнага қизлар чиқишиб "Читигул" ўйин-ашуласини айтишади.

**2-олиб борувчи:** — Баҳор келиши билан мевали дарахтлар ҳам турли ранг, гуллар билан қопланади. Биринчи бўлиб бодом гуллайди. Сўнг аста-секин қолган мевали дарахтлар гуллайди. Ўрик гуллари эса ўзгача бир чиройга эга бўлади.

Саҳнада қизлар ижросида "Ўрик гуллаганда" ашуласи ижро этилади. Фортепьянода мусиқа ўқитувчи, доирада эса ўқувчилар жўр бўлишади.

**1-олиб борувчи:** — Наврўз айёмида йиғинлар, давра суҳбатлари бўлиб туради. Айниқса, аскиячилар давраси жуда қизиқарли бўлади.

(Саҳнага аскиячи болалар чиқишади ва баҳор, Наврўз ҳақида аския айтишадилар.)

**2-олиб борувчи:** — Наврўз кунлари кўкатлардан турли хил таомлар тайёрланади. Ялпиз, жағ-жағ, исмалоқ каби шифобахш ўсимликлардан кўк чучвара, кўк сомсалар ва бошқа таомлар тайёрланади.

(Баҳорой ва Наврўзойлар меҳмонларга кўк сомсалар тарқатишади.)

**1-олиб борувчи:** — Сумалак қадимий тансиқ таом бўлиб, Наврўзнинг хабарчиси десак, муболаға бўлмайди. Унинг келиб чиқиши ҳақида турли хил афсоналар мавжуд.

**2-олиб борувчи:** — Сумалак — биби Фотиманинг ошлари эканлиги ҳақида гапиради.

Залда "Ялла" гуруҳи ижросидаги "Сумалак" қўшиғи янграйди. Сўнг саҳнада "Сумалак" ҳақида шеър айтилади. Шеър айтиш давомида Баҳорой ва Наврўзойлар меҳмонларга пиёлаларда сумалак таомини улашадилар.

**1-олиб борувчи:** — Азал-азалдан халқимизнинг энг олижаноб фазилатларидан, одатларидан бири — қарияларни қадрлаш, эъзозлашдир.

(Залга Чол билан Кампир кириб кела бошлашади. Меҳмонларни қизлар кутиб олишади, жой қилиб, уларни ўтқазишади. Сўнг давра суҳбати бошланади. Қизлар чол билан кампирдан Наврўз ҳақида гапириб беришни илтимос қилишади.)

**Чол:** — Наврўз, қадимги миллий байраларимиз ва ҳозирги кунларимиз ҳақида ҳикоя қилиб, ўзимиз ва ёшларимизнинг ҳаётидаги ўзгаришлар ҳақида сўзлаб, ёшларимизга ибрат бўлиб, ҳаётимизнинг ҳар бир лавҳасини ёритиб, ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасини ўз ичига ол

**Ilm inson uchun g'oyat oliy va muqaddas bir fazilatdir.**



# Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар якунловчи Республика IV босқичида

### Ўзбек тили

| № | Вилоят | Ўқувчининг фамилияси ва исми | Балл | Туман (шаҳар) | Мактаб | Ўқиш тили |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | ҚҚР | Отемова Д. | 81 | Нукус ш. | 4-мак. | қ-қ. |
| 2 | Андижон | Хўжанова Г. | 96 | Жалолқудуқ т. | 12-мак. | қиргиз |
| 3 | Бухоро | Ҳабибов М. | 86 | Ф.Хўжаев т. | 2-мак. | рус |
| 4 | Жиззах | Маликова С. | 79 | Бахмал т. | 25-мак. | қиргиз |
| 5 | Навоий | Жўламанова С. | 78 | Конимех т. | 10-мак. | қозоқ |
| 6 | Наманган | Аҳмедова Д. | 88 | Уйчи т. | 6-мак. | рус |
| 7 | Сирдарё | Раимджанова С. | 87 | Гулистан т. | 2-мак. | рус |
| 8 | Самарқанд | Кудратова М. | 93 | Каттақўрғон т. | 3-мак. | рус |
| 9 | Сурхондарё | Ҳамроева Г. | 82 | Бойсун тум. | 11-мак. | тожик |
| 10 | Тошкент ш | Камилов Ҳ. | 99 | Юнусобод т. | 43-мак. | рус |
| 11 | Фарғона | Усмонова Г. | 88 | Қувасой т. | ихт.мак. | рус |
| 12 | Хоразм | Ражабова М. | 82 | Қўшкўпир т. | 1-мак. | рус |
| 13 | Қашқадарё | Саидова Ҳ. | 96 | Қарши т. | 23-мак. | рус |

### Она тили ва адабиёт

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | ҚҚР | Жуманиёзова М. | 91 | Бўстон т. | Акад.лиц. | ўзбек |
| 2 | Андижон | Исмонова З. | 92 | Андижон ш. | 9-ихт.мак. | ўзбек |
| 3 | Бухоро | Эргашева Ш. | 92 | Қоракўл т. | 15-мак. | ўзбек |
| 4 | Жиззах | Ҳамдамова И. | 87 | Зомин т. | 1- ихт.мак. | ўзбек |
| 5 | Навоий | Намазова Г. | 97 | Навоий ш. | Акад. лиц. | ўзбек |
| 6 | Наманган | Эргашева Б. | 89 | Норин т. | Ихт. мак. | ўзбек |
| 7 | Сирдарё | Файзиева Н. | 89 | Ш.Рашидов т. | 5-мак. | ўзбек |
| 8 | Самарқанд | Қулмуродова Ф. | 90 | Самарқанд ш. | акад. лиц. | ўзбек |
| 9 | Тошкент в. | Ахунжонова Ш. | 96 | Ўрта-Чирчиқ т. | Ихт. мак. | ўзбек |
| 10 | Тошкент ш. | Умиров Ҳ. | 88 | А.Икромов т. | акад.лиц. | ўзбек |
| 11 | Фарғона | Насреддинова Г. | 100 | Фарғона ш. | акад.лиц. | ўзбек |
| 12 | Хоразм | Болтаева Ф. | 90 | Шовот т. | 1-ихт.мак. | ўзбек |
| 13 | Қашқадарё | Абдураҳимова Г. | 96 | Қарши ш. | 3-мак. | ўзбек |

### Рус тили ва адабиёти (ўзбек мактабларида)

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | ҚҚР | Қабланов С. | 97 | Нукус ш. | НДПИ а\л | ққ |
| 2 | Андижон | Ўрмонов Ҳ. | 84 | Андижон ш. | Акад.лиц. | ўзбек |
| 3 | Бухоро | Пўлатова Ж. | 80 | Бухоро ш. | Касб-ҳунар кол. | ўзбек |
| 4 | Жиззах | Кенжаев Р. | 100 | Зомин т. | 50-мак. | ўзбек |
| 5 | Навоий | Каримова Ф. | 108 | Навоий ш | 19-лицей | ўзбек |
| 6 | Наманган | Тожибоева Д. | 85 | Янгиқўрғон т. | 20-мак. | ўзбек |
| 7 | Сирдарё | Боисова Д. | 87 | Сайхунобод т | 17-мак. | ўзбек |
| 8 | Самарқанд | Олтибаева Ш. | 96 | Оқдарё т. | 45-мак. | ўзбек |
| 9 | Сурхондарё | Юсупова Н. | 81 | Термиз ш. | Мед.кол. | ўзбек |
| 10 | Тошкент в. | Раҳимов Р. | 84 | Паркент т. | 5-ихт.мак. | ўзбек |
| 11 | Тошкент ш | Ҳайдаралиева Л. | 82 | Тошкент ш. | Юр. кол. | рус |
| 12 | Фарғона | Нурматова Р. | 94 | Данғара т. | 1-ихт.мак. | ўзбек |
| 13 | Хоразм | Раҳматуллаева Б. | 82 | Шовот т. | 1-лицей | ўзбек |
| 14 | Қашқадарё | Раупов Темур | 95 | Ғузор т. | лицей-инт. | ўзбек |

### Рус тили ва адабиёти (рус мактабларида)

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | ҚҚР | Письменная Е. | 85 | Тўрткўл т. | 1-мак. | рус. |
| 2 | Андижон | Фатыхова А. | 88 | Асака | 7- мак. | рус |
| 3 | Бухоро | Камилова Г. | 76 | Тўқимачилик | 8-мак. | рус |
| 4 | Навоий | Бенько М. | 79 | Зарафшон ш. | гимназия | рус |
| 5 | Наманган | Чубенко Л. | 79 | Наманган ш. | НДПИ а\л | рус |
| 6 | Сирдарё | Черных Е. | 98 | Гулистон ш. | 8-мак. | рус |
| 7 | Самарқанд | Пак А. | 80 | Пастдарғом | 21-мак. | рус |
| 8 | Тошкент в. | Кононова И. | 95 | Чирчиқ | 9-мак. | рус |
| 9 | Тошкент ш | Львова Н. | 87 | С.Раҳимов | ТДАВТИ а\л | рус |
| 10 | Фарғона | Щеняева Е. | 90 | Фарғона ш. | 13-мак. | рус |
| 11 | Хоразм | Махинова К. | 76 | Урганч ш. | 10-мак. | рус |
| 12 | Қашқадарё | Ачкасова А. | 80 | Қарши ш. | 1-их. мак. | рус |

### Инглиз тили

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | ҚҚР | Жумабаев Д. | 96 | Нукус | НДПИа/л | қорақ. |
| 2 | Андижон | Тешабоев И. | 92 | Андижон ш. | 9-мак. | ўзбек |
| 3 | Бухоро | Курбонов А. | 96 | Жондор т. | 20-ИБМИ | ўзбек |
| 4 | Жиззах | Шамсиев А. | 95 | Жиззах т. | 36-лицей | ўзбек |
| 5 | Навоий | Зарипов О. | 97 | Наовий ш. | 8-мак. | ўзбек |
| 6 | Наманган | Ғайбуллаев М. | 91 | Наманган | иқт-мак. | ўзбек |
| 7 | Сирдарё | Ғуломов О. | 89 | Гулистон ш. | Хор.тил.лиц | ўзбек |
| 8 | Самарқанд | Самандаров А. | 90 | СамДМКИ | лиц-инт | ўзбек |
| 9 | Сурхондарё | Расулов Ш. | 98 | Денов | 7-лицей | ўзбек |
| 10 | Тошкент в. | Вахидов Ф. | 93,8 | Ангрен ш. | 10-мак. | ўзбек |
| 11 | Тошкент ш | Алматов Ш. | 107 | ЎзМУ | акад.лиц. | ўзбек |
| 12 | Фарғона | Каримова А. | 100 | Фарғона ш. | 1-мак. | ўзбек |
| 13 | Хоразм | Бабаев Ж. | 100 | Урганч ш. | 6-ихт.мак | ўзбек |
| 14 | Қашқадарё | Аҳадов А. | 90 | Қарши ш. | их-инт. | ўзбек |

### Француз тили

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | ҚҚР | Ҳалиқов А. | 82 | Тўрткўл т. | 30 мак. | ўзбек |
| 2 | Андижон | Нортоева Ў. | 82 | Андижон ш. | АДТПИ а/л | ўзбек |
| 3 | Бухоро | Мўминов О. | 94 | Ҳиждувон т. | 62-мак. | ўзбек |
| 4 | Жиззах | Сиддиқова Ф. | 92 | Фориш т. | 2-мак. | ўзбек |
| 5 | Навоий | Сидиқов Ҳ. | 81 | Навбаҳор т. | 15-мак. | ўзбек |
| 6 | Наманган | Эргашева Б. | 80 | Норин т. | 6-мак. | ўзбек |
| 7 | Сирдарё | Каттабекова В. | 78 | Ховос | 1-мак. | ўзбек |
| 8 | Самарқанд | Бараташвили С. | 89 | Темирйўл т. | 43-мак. | рус |
| 9 | Сурхондарё | Султонова М. | 82 | Узун т. | 15-мак. | ўзбек |
| 10 | Тошкент в. | Ахмедов Д. | 100 | Янгийўл т. | 45-мак. | ўзбек |
| 11 | Тошкент ш. | Самадова Т. | 97 | Юнусобод т. | 51-мак. | рус |
| 12 | Фарғона | Акбарова Ш. | 90 | Фарғона ш. | 9-мак. | ўзбек |
| 13 | Хоразм | Тожибоев Б. | 88 | Шовот т. | 1-лицей | ўзбек |
| 14 | Қашқадарё | Тиркашева Ф. | 83 | Косон т . | 23 мак. | ўзбек |

### Немис тили

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | ҚҚР | Раджапова Х. | 90 | Элликқалъа т. | 3-лицей | ўзбек |
| 2 | Андижон | Джалолова А. | 89 | Марҳамат т. | 31-мак. | ўзбек |
| 3 | Бухоро | Негова М. | 81 | Вопкент т. | 19 мак. | ўзбек |
| 4 | Жиззах | Пўлатов Э. | 88 | Жиззах ш. | 3-мак. | ўзбек |
| 5 | Навоий | Маматқулов О. | 92 | Хатирчи т. | 22-мак. | ўзбек |
| 6 | Наманган | Тиллабаева У. | 91 | Чортоқ т. | 9 мак. | ўзбек |
| 7 | Сирдарё | Гафурбоева Л. | 84 | Ш.Рашидов т. | 8-мак. | ўзбек |
| 8 | Самарқанд | Алахвердиян Н. | 83 | Темирйўл т. | 51-мак. | рус |
| 9 | Сурхондарё | Қурбонов У. | 91 | Шеробод ш. | 33 мак. | ўзбек |
| 10 | Тошкент в. | Папова Е. | 82 | Бўстонлиқ т. | 2- мак. | рус |
| 11 | Тошкент ш. | Баратова Н. | 98 | Миробод т. | 60-мак. | рус |
| 12 | Фарғона | Мадаминова А. | 88 | Марғилон ш. | 6-мак. | рус |
| 13 | Хоразм | Ниязов Ғ. | 95 | Урганч ш. | 15-мак. | рус |
| 14 | Қашқадарё | Турдиева В. | 90 | Ғузор т. | 77-мак. | ўзбек |

### Қозоқ тили

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | ҚҚР | Муханова Б. | 95 | Нукус ш. | 20 мак. | қозоқ |
| 2 | Бухоро | Маханбетова А. | 96 | Ғиждувон т. | 58-мак. | қозоқ |
| 3 | Жиззах | Бименова А. | 86 | Мирзачўл т. | 2-мак. | қозоқ |
| 4 | Навоий | Каржауова Ж. | 94,6 | Конимех т. | 36-мак. | қозоқ |
| 5 | Сирдарё | Егизбаева А. | 87 | Сайхунобод т. | 9-мак. | қозоқ |
| 6 | Тошкент в. | Караманова Г. | 85 | Оққўрғон т. | 2-мак. | қозоқ |
| 7 | Хоразм | Насратдинова Л. | 78 | Урганч | 22-мак. | қозоқ |

### Тожик тили

**Техас штатидаги тиббиёт институтининг Епископал шифохонасида ўтказилган операциядан бемор муваффақиятли чиққан. Бироқ унинг исмини ошкор этилишини яқинлари хоҳлашмаган. "Abiomed" компанияси бундай мураккаб операцияларни 2001 йилдан бошлаган бўлиб, ўша йилнинг ўзида 6 нафар хаста кишига сунъий юрак ўрнатилган бўлса, 2003 йили учта ана шундай операцияни амалга оширган, дея хабар беради "Рейтер" агентлиги.**



## ТУХУМ ЎҒИРЛАГАН ЎҚИТУВЧИ

**Ўқувчиларини камёб қушларнинг тухумларини сақламасликка ўргатган олмон мактабларининг бирида ишловчи ўқитувчининг ўзи ана шундай тухумларни ўғирлашда айбланмоқда. Берлин шаҳри яқинидаги Потсдам суди вакилининг билдиришича, 62 ёшли мураббий 1991 йилдан буён 131 маротаба шундай ўғирликка қўл урган ва 7000 дона тухумга эга бўлган. Ҳозирда 5 йилга озодликдан маҳрум этилиши кутилаётган бу ўқитувчи ишдан бўшатилишидан бироз аввал, табиатдаги ноёб қушлар тухумларидан иборат кўргазма ташкил қилган ва кўргазма стендига "Бундай тухумларни тўплаш қонунга хилофдир", дея ёзиб қўйган эди.**



## ИТАЛИЯДА 100 ТА МАШИНА ТЎҚНАШИБ КЕТДИ

**Италияда юз берган йирик йўл-транспорти ҳодисаси туфайли 11 киши ҳалок бўлиб, 85 киши жароҳатланган. Шунингдек, уларнинг 4 нафари оғир ҳолатда ётибди. Венеция ва Триест шаҳарларини боғлаб турувчи мамлакат шимолидаги катта йўлда содир бўлган ҳалокатда 100 га яқин автомобиллар иштирок этган. Фожеага асосий сабаб дея трассага қалин туман тушганлиги айтимоқда. Маълум бўлишича авария вақтида водород гази қамалган баллонлар олиб кетаётган юк ташувчи машина ҳам бор бўлган ва унинг бошқа автомобиллар билан тўқнашуви туфайли кучли ёнғин юз бериб, у тезда атрофдаги машиналарни ҳам ўз домига тортган. "La Republica" газетасининг ёзишича, ҳалокат вақтида болаларни саёҳатга олиб кетаётган автобус ҳам бўлган. Юз берган катта ёнғин вертолёт ёрдамида ўчирилган.**

## БОМБЕЙДА ТЕРРОР АКТИ

**Ҳиндистоннинг иқтисодий маркази бўлган Бомбей шаҳрида бомба портлади. Мулунд бекатига келиб тўхтаган поезднинг аёллар учун мўлжалланган вагонига ўрнатилган бомба 10 кишининг ўлимига ва 75 кишининг жароҳатланишига сабаб бўлди. Шунингдек, талофат кўрганлардан 15 нафарининг аҳволи оғир. Ўрта синф вакилларига мўлжалланган вагонда айни бу пайтда шаҳар аёллари ишдан уйга қайтаётган эдилар. Фожеа гувоҳи бўлган ҳинд сиёсатчиларидан бири Кирит Сомайянинг айтишича, портлаш туфайли вагоннинг тепа қисми бутунлай қўпорилиб кетган. Жабрланганларга ёрдам бериш учун полиция, тез ёрдамдан ташқари ҳатто таксичилар ҳам кўмакка келишган.**

**Ўтган январ ойининг сўнгги кунида эса Бомбей бозорларидан бирида содир бўлган бомба портлаши оқибатида 30 киши яраланган эди.**

## ЧЕРНОБИЛДА 410 КИШИ ЯШАМОҚДА

**Киевда ўтказилган матбуот анжуманида таъқиқланган ва аҳолидан ҳоли ҳудудлар департаменти бошлиғи Владимир Холош айни пайтда Чернобилнинг таъқиқланган жойларида 410 киши ўз билганича яшаётганлигини айтди. Уларнинг аксарияти ёши ўтган кексалар бўлиб, айримлари эвакуация қилинганларидан сўнг, бошқалари эса кейинроқ юз берган иқтисодий-ижтимоий муаммолардан қочиб, яна эски жойларига келиб олганлар.**



**1986 йил апрел ойида Чернобил АЭСида содир бўлган ҳалокатга қадар, бу ҳудудларда 94 та аҳоли пункти мавжуд эди. Ҳозирда зарарланган жойларга келиб олган бу ўзбошимчалар учун ҳафтада бир марта нон олиб келинади.**

*Xalqaro aloqalar*

## "СОРОС" АНДИЖОНДА

Ўзбекистон иқтисодиётини такомиллаштириш учун юқори малакали иқтисодчи кадрлар тайёрлаш ҳозирги кунининг энг долзарб муаммоларидан биридир. Бу муаммони ҳал этиш учун умумтаълим мактабларида иқтисодий билим асослари фанлари чуқур ўқитилмоғи зарур. Бундай билимларни бериш учун эса малакали мутахассислар, ушбу фаннинг билимдонлари керак.

Ўзбекистонда турли жамғармалар томонидан ташкил қилинаётган семинарлар, конференциялар, ўқув дарслари ўқитувчилар учун ўзаро фикр алмашувчи, янги маълумот ва ахборотлар олувчи манба ҳисобланади.

Шу мақсадда, яқинда Очиқ Жамият Институти Кўмак Жамғармаси Ўзбекистон Ваколатхонаси ("СОРОС" жамғармаси) — Иқтисодий Таълим Дастури асосида Андижон вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида мактаб ўқитувчилари учун "Ўрта мактабларда иқтисод дарсларини ўқитиш услублари"га бағишланган семинар машғулотлари бўлиб ўтди.

Унга вилоят мактабларининг 200 га яқин иқтисодчи ўқитувчиларидан 25 нафари танлов асосида қабул қилинди. Машғулотларни Америка танловида ғолиб чиққан иқтисод фанларининг етук мутахассислари Н.Троянова ва Л.Горобецлар олиб бордилар. Ҳар бир ўтиладиган машғулотларга оид қўлланмалар тайёрланиб, тингловчиларга тарқатилди. Булардан ташқари, иқтисодий ўйинлар ўйналди, масалалар, машқлар, топшириқлар бажарилди.

Ўрта мактабларда дарс ўтишнинг бундай усули ўқувчиларда ўтилаётган дарс машғулотини тез қабул қилиш ва ёдда сақлаш имкониятини яратади. Машғулотлар давомида ўзаро фикр алмашилди, ўқитувчилар қизиққан саволларга мураббийлар жавоб бердилар. Семинарнинг якунловчи кунида фаол ўқитувчилардан А.Маҳкамов, М.Мамадалиев, Н.Парпиев ва Г.Тошматовалар жамғарманинг махсус совринлари билан тақдирландилар.

Ҳафта давомида бўлиб ўтган машғулотларда ҳар бир тингловчи янги билим, маълумотларга эга бўлди. Биз эса уларнинг олган билим ва малакаларини ўзлари фаолият кўрсатаётган ўқув даргоҳларида амалиётда қўллашади, деган фикрдамиз.

**О.СИДИҚОВ**

## СЕРБЛАР ЖИНЖИЧ БИЛАН ВИДОЛАШМОҚДАЛАР

Ўтмишга назар ташласак, кўпроқ давлат раҳбарлари суиқасд марказида туришади. Жумладан, АҚШ президенти Жон Кеннеди, Конго республикаси раҳбари Лоран-Дезире-Кабила, Ҳиндистон бош вазири бўлиб ишлаган Раджив Ганди.

Куни кеча эса Сербия бош вазири Зоран Жинжич ҳам шундай ажал қурбони бўлди. Ҳукумат биносининг асосий эшиги олдида снайпер томонидан отилган икки ўқ нишонга бехато тегди. Мутахассисларнинг фикрича, узоқ масофадан туриб аниқ мўлжал ола билган снайпер профессионал бўлган. Қорнига келиб теккан ўқлардан сўнг, энг яқин шифохонага келтирилган бош вазир орадан ярим соат ўтиб ҳаётдан кўз юмди. Фожеа муносабати билан уч кундан бери мотам тутаётган серб халқи бугун ўзининг марҳум раҳбари билан видолашув маросимини ўтказади. Ва Зоран Жинжич пойтахт Белграддаги марҳум таниқли сиёсатдонлар, давлат арбоблари ётган "Аллее Великанов" мозорига дафн этилади.

Суиқасд юз берган 12 мартдан бошлаб, қотилликда гумон этилиб, 200 га киши ҳибсга олинди. Сербия бош вазири ўринбосари Жарко Корач мустақил "Б-32" радиостанциясига берган интервьюсида суиқасднинг бошида турган шахс озодликда юрганлигини айтди. Ҳукуматнинг тахминича, жиноятни Болқон минтақасидаги энг катта "Земун гуруҳи" амалга оширган. Унга эса бир пайтлар ички ишлар вазирлигида махсус кўрсатмалар бажарувчи бўлимга қўмондонлик қилган Милорад Лукович бошчилик қилади. "Земун гуруҳи" ҳозирга қадар одам ўлдириш, ўғирлик, босқинчилик каби жиноятларни амалга ошириб келган.

*Bu qiziq*

## МЎЪЖИЗА УЧУН 1200000 ДОЛЛАР

**АҚШдаги машҳур телешоу муаллифи, таниқли фокусчи Жеймс Ренди бир неча йил олдин 10 минг доллар мукофотни парапсихологик ёки экстрасенсорлик ҳодисаларини очиқ намойиш эта оладиган кишига беражагини айтган эди. Бу қизиқарли тадбирга бутун дунёдан олдиндан кўра олиш, ғойибдан хабар бериш, телепатия, лебитация (одамни учириш), телекинез (фикр билан буюмларни жойидан силжитиш), руҳлар билан гаплашиш, очиқ қўл билан тиғсиз операция қилиш) каби ақлга сиғмайдиган ҳодисаларни намойиш қиладиганлар таклиф этилди. Лекин мўъжизани илмий эксперимент назоратида ва ҳеч қандай эътирозга ўрин қолмайдиган даражада аниқ кўрсатиш шарти қўйилган эди.**

**Мўъжиза кўришга ишқибозлар сони талабгорлардан ҳам ошиб, унга қизиққан турли ташкилотлар, фирмалар, одамлар Ж.Ренди фондига катта маблағ ўтказишди. Ва 2001 йилга келиб жамғарма суммаси 1200000 АҚШ долларига етди.**

**Танловда кўплаб талабгорлар иштирок этган бўлса ҳам, бироқ ҳалигача ҳеч ким ғайритабиий қобилиятни комиссия олдида намойиш қила олганича йўқ. Шулар қаторида жаҳоннинг "биринчи рақамли" сеҳргари Дэвид Копперфильд ҳам бор. Ҳозирда Жеймс Ренди фонди маблағи ошганидан ошиб бораяпти, лекин уни оладиган мард сеҳргар топилмаяпти.**

*To'y bo'lsin elimning ostonasida,*
*Sohiblar shodlikdan kutsinlar mehmon.*
*Mehr-oqibatning koshonasidan,*
*To'ylar arimasin, ehson — bu xush on!*



# АХБОРОТНОМАНИНГ ЯНГИ НАШРЛАРИ




Мамлакатимизда тест тизими жорий этилганидан сўнг, абитуриентларга ёрдам тарзида мунтазам равишда Давлат Тест Маркази томонидан ўзбек ва рус тилларида «Ахборотнома» ва «Вестник» журналлари чоп этиб келинмоқда.

Мана янги 2003 йил кириб келганига кўп ўтмай ДТМ абитуриентларга тайёргарлик ишларида янада кенгроқ қулайлик яратиб бериш мақсадида «Ахборотнома» журналининг 1-2-3-4-сонларини нашр этди.

Бу журналлар абитуриентларнинг келгусида олий маълумот олиш учун ўқув юртларига киришида ва ўқитувчиларнинг услубий фаолият билан шуғулланишида яқиндан ёрдам беради.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, журналдаги тест саволларини тузишда республикамизнинг энг фаол ўқитувчилари қатнашган. Шунингдек, ДТМ ушбу журналларнинг келгуси сонларида абитуриентлар диққатига нафақат тест топшириқларини, балки олий ўқув юртларига таълим йўналишларига оид таҳлилий маълумотларни ва тест синовларини ўтказиш тартибига оид янгилик ҳамда ўзгаришларни ҳам бериб боришни режалаштирган.

***Абдулҳамид АБДУАҲАД ўғли***

# «ИСТИҚЛОЛ УМИДЛАРИ»

Инсон қалбидаги эзгу тилакларини мудом кимгадир яқинига илиниш пайида бўлади. У инсон қалбидан тингловчига оддий гап ёки мусиқа, шеър ёки ҳикоя тарзида билдирилиши мумкин. Аёнки, қалам аҳлининг дил кечинмалари қоғоз юзини қоралаш орқали тингловчисига бориб етади.

Мамлакатимизнинг жанубий сарҳади — Сурхондарё заминида яшаб, ижод қилаётган бир гуруҳ қаламкашлар ҳам қалбидаги тилакларини шеър ва ҳикоя орқали билдиришга жазм этдилар. «Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида Термиз Давлат университети ва мамлакат ёзувчилар уюшмаси Сурхондарё вилоят бўлими ҳамкорлигида нашр этилган «Истиқлол умидлари» алъманахи жанубий воҳа қаламкашлари изланишларини ўз ичига олади. Улардан айримларининг машқлари республика матбуоти саҳифаларида эълон қилинган, ихлосмандларга таниш. Аммо бу ижодкорларнинг шеърий бисоти ҳам алоҳида мажмуа сифатида чоп этилганича йўқ. Ўтмишда биргина Термиз билан боғлиқ элликка яқин муҳаддис, тарихчи алломалар ва бошқа улуғ шахслар етишиб чиққан воҳанинг бугунги авлоди ҳам сўз санъатига ошно эканликларини намойиш этиб келишмоқда. Мазкур тўпламдаги ижод намуналари муаллифлари — бири ўқувчи, бири талаба, бошқаси муаллим, яна қайсисидир бошқа касб эгаси бўлишса-да, уларни битта ришта — адабиёт бирлаштирди.

Хуллас, ушбу тўплам ўзини излаётган янги номларни сизга манзур этади, деган умиддамиз.

***Ҳусан МАҲМАРАЙИМ ўғли***




# ҚОҒОЗГА ТЎКИЛГАН ТИЛАКЛАР




Эргаш Бозор ўз умрини, билим ва иқтидорини мураббийликка бағишлаган инсонлардан. Шунинг учун ҳам унинг шеърларида иймон-эътиқодга, ҳалоллик, покликка даъват, меҳнатсеварлик, элпарварликни улуғлаш, табиатга муҳаббат, Ватанни севишга ундаш оҳанглари бўртиб туради. Мана улар:

***Бир Ватанким, кўрк-чиройи ўзга ҳеч маъвода йўқ,***
***Бундай сеҳру тароват, бул жамол дунёда йўқ.***

Гарчи муаллифнинг аксарият шеърлари панд-насиҳат тарзида тараннум этилса-да, лекин улар ўзининг самимийлиги билан покиза қалб битиклари эканлигидан далолат беради.

Айниқса унинг,

***Заминга қўймасдан ҳали бир қадам,***
***Она тилаги-ла айтдингми калом.***
***Дилингга солдими мунаввар бир дам,***
***Қалбингга кирдими алик, ассалом.***

дея саволомуз бошлангувчи ёки,

***Тўй бўлсин элимнинг остонасида,***
***Соҳиблар шодликдан кутсинлар меҳмон.***
***Меҳр-оқибатнинг кошонасидан,***
***Тўйлар аримасин, эҳсон — бу хуш он!***

деб тилак каби якунланувчи шеърлари ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Қуйида унинг шеърларидан бир шингил сиз азизлар ҳукмига ҳавола этамиз.

## ЎНТА БЎЛСА ЎРНИ БОР

***Нима бўлди, онаси, юзингизда ҳаяжон,***
***Келинлар жавоб олмас деса ҳамки, аяжон.***
***Яқинда уйга чиққан қиз ўрни билиндими,***
***Ёки кенжа ўғилнинг шўхлиги илиндими?***

***Ахир бор-ку бошқаси, яна шўх-шўх невара,***
***Мен ҳам отнинг қашқаси — ёнингизда овора.***
***Ҳа, тўғри гап айтдингиз, ўғиллар бор,***
***қизлар бор,***
***Ёнимдаги келинлар аҳволимдан хабардор.***

***Барибир кўнгил хира, беркитаман қулоқни,***
***Ҳатто гўдак чақ-чаки олмайди ҳеч чарчоқни.***
***Ўзимга бериб далда бармоқларим санайман,***
***Чимчилоққа келганда яна йўлга қарайман.***

# СЎЗ АЙТСАМ, ПИЧИРЛАБ АЙТМАСМАН...

Юртимизда шундай шоира, тўғрироғи Ватанини, миллатини, унинг эрки, озодлигини севгувчи куюнчак, «Ҳар товши кўксимда Тангритоғ тинглар» дея озод Ўзбекистон, ўзбекларни улуғловчи фидойи инсон борки, унинг номини, шеърий тўпламларини сиз яхши биласиз.

Ҳа, Қутлибека Раҳимбоева «озодлик деган шу бебаҳо сўзки девордан беозор кўчириб олиб» кўнгил уйига яширимоқчи, туғрони эса юраги устига ўрнатиб, қонлар ютиб топганимизни ёмон кўзлардан асрамоқчи бўлади. У — журъатли, сўзлари ўткир, ўзи ёзганидек «сезгир, мард, кескин» — буни биз шоиранинг «Кўксимдаги Тангритоғ» («Шарқ» НМАК, 2002) номли янги шеърий тўпламига саралланган шеърларни ўқиб, яна бир карра амин бўлдик:

***Сўз айтсам, пичирлаб айтмасман,***
***Тиғ отсам, елкадан отмасман.***
***Дўст тугул, ёвимни сотмасман,***
***Сен тугул, ёвимни сотмасман.***
***Сен баланд яратдинг,***
***Худойим, минг шукур.***

Тўпламдаги «Ватан бир бутундир», «Ўнгланиш чоғи бу», «Муборак» каби шеърларда «Сен қайси тарафдасан» сўроғидан жони оғриган шоиранинг изтироблари дард билан, айни вақтда қатъият, мардлик билан ифода этиладики, кўнглингизда миллатни, Ватанни ажратмоқчи бўлганларга нафрат туясиз:

***Мен учун у тараф,***
***бу тарафлар йўқ,***
***Ватан бир бутундир,***
***бутундир миллат.***
***Жоноғрир жойимга***
***санчиб ўтар ўқ —***
***Ундаги ҳар яра,***
***жароҳат, иллат.***

Тўпламдаги «Қарз» шеъри ҳам Озодликка бағишланган, унда ҳам Озодлик учун жасорат, адолат, сўз, севгидан қарздорлик ҳиссини туйиб турган фидойи фарзанднинг ўтли сўзларини тинглайсиз:

***Йўлинг асли кураш,***
***қурбонлиғмидир,***
***Очилмоғинг учун***
***сўлмоғлиғмидир,***
***Сенга етишмаклик***
***ўлмоғлиғмидир?***
***Бир жон қарздорман***
***сендан, Озодлик,***
***Тамом қарздорман***
***сендан, Озодлик.***

Қутлибека шеърлари юрагингизга чўғ солади, сўзлари томиримиздаги қонни жунбушга келтиради, шу озод юрт фарзанди эканингиздан ғурур туйғусини уйғотади. Унинг шеърларини шарҳлаш қийин, яхшиси ўқинг, руҳияти устуни — Ватан озодлиги бўлган ушоққина, аммо катта сўз айта олгувчи улкан муҳаббатли шоира битикларидан баҳра олинг.

***Маҳмуда ЗОИРХОН қизи***

# КОМПЬЮТЕР ҲАҚИДА ЯНГИ РИСОЛА

Янги аср таъбир жоиз бўлса ахборот асридир. Ана шуни ҳисобга оладиган бўлсак замонавий компьютерлардан амалий иш фаолиятида кенг фойдалана оладиган етук мутахассисларни тайёрлаш муҳим масалалардан биридир.

Бу борада таълим соҳасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бинобарин, ушбу ислоҳотлар биринчи навбатда замон талабларига мос дарсликлар, ўқув қўлланмалар яратиш билан боғлиқдир.

Замонавий ахборот технологиялари воситаларидан самарали фойдаланиш муҳим ахамият касб этиши ҳисобга олиниб, "Маърифат - мададкор" нашриёти томонидан 5000 нусхада "Замонавий компьютерлардан фойдаланиш сирлари" деб номланган ўқув қўлланмаси чоп этилди.

А.Қодирий номидаги ЖДПИ "Ахборот технологиялари асослари" кафедраси мудири, иқтисод фанлари номзоди, доцент Эркин Ганиев ва шу кафедра ўқитувчиси Дўстмурод Жомуродов ҳаммуаллифлигида нашрга тайёрланган рисола бир қатор афзалликларга эга.

Ушбу қўлланма олий ўқув юртлари талабалари, коллеж ва лицей ўқувчилари, мактаб ўқитувчилари ҳамда замонавий компьютерлардан фойдаланувчилар учун мўлжалланган.

Қўлланманинг биринчи боби "Шахсий компьютер қурилмалари" деб номланган бўлиб унда шахсий компьютердан фойдаланиш қоидалари, компьютерни ишга тайёрлаш тартиби, шахсий компьютерларнинг асосий ва қўшимча қурилмалари, уларнинг вазифалари, клавиатурада кириш ва лотин алифбоси, клавиатура тугмачалари ҳақида маълумотлар берилган.

Иккинчи бобда "MS DOS" операцион системаси таркиби, "DOS"ни юклаш, "MS DOS"нинг асосий буйруқлари, файлни ўчириш, файлни қайта номлаш, каталог ташкил этиш, дискетлар билан ишлаш тўғрисида тўхталиб ўтилган.

Учинчи боб Norton Commander дастури билаш ишлаш ҳақида. Қўлланманинг тўртинчи боби ишлаш учун қулай бўлган "WINDOWS" дастури ҳақида ёзилган. Бизга маълумки, ҳозирги кунда "WINDOWS" миллионлаб фойдаланувчилар эътиборини ўзига жалб этган. "Microsoft" фирмаси "Windows"ни такомиллаштириш борасида тинмай изланишлар олиб бормоқда, турли дастур иловалари яратилмоқда. Ушбу бобда "Windows — 2000" версияси ҳақида маълумотлар, бу дастур асосида ишлаш имкониятлари келтирилган.

Қўлланманинг бешинчи бобида "Word" таҳрир дастури ёрдамида матнлар тайёрлаш ҳамда "Word" менюси тўғрисида умумий маълумотлар берилган.

Қўлланмада турли дастурлардан фойдаланиш билан бир қаторда, ахборотни қидиришнинг самарали йўллари, ахборотлар дунёсини ўзида қамраб олган INTERNET тармоғи тўғрисида ҳам маълумотлар бор.

Қўлланма барчага, хусусан фаолияти компьютер билан боғлиқ бўлган кишиларга манзур бўлиш, шубҳасиздир.

***Жаҳонгир МАЖИДОВ катта ўқитувчи***

# ТОПШИРИҚЛАР АМАЛДА ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?

**Республика Халқ таълими вазирлигида ушбу савол асосида, Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш Ҳомийлик кенгаши йиғилишида кўрсатиб ўтилган топшириқлар юзасидан мажлис бўлиб ўтди.**

**Унда Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Республика Касаба Уюшмалари Федерацияси кенгашининг жисмоний тарбия спорт марказий кенгаши, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Оналик ва болаликни муҳофоза қилиш бошқармаси, Республика "Маҳалла" жамғармаси, Ўзбекистон "Ёшлик" кўнгилли спорт жамияти марказий кенгаши, Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим марказининг масъул вакиллари иштирок этди.**

**Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтсак. Давлатимиз раҳбари ҳомийлик кенгаши йиғилишида "Бошланғич синф ўқувчиларини спортнинг қайси турлари билан шуғулантирганимиз маъқул, деган саволга жавоб топишимиз лозим" деган фикрни илгари сурганди. Йиғилиш ҳам айнан шу фикр асосида ўтказилди.**

**Бу мавзу бўйича газетамизнинг кейинги сонларида алоҳида тўхталамиз.**

***Ш.АҲМАТОВ***

# ЭРТАНИ ЎЙЛАБ

***Bolalar sporti***

Республика Президентининг "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги фармони айни муддао бўлди. Боиси, у болалар спортини кенг миқёсда ривожлантиришга йўл очди. Зеро, ниҳолнинг яхши парваришланиши эртага кутилган натижани беради. Биз ёш авлоднинг жисмоний ривожланишини ўрганиш мақсадида Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманида жойлашган 9-сонли мактабгача таълим муассасасига ташриф буюрдик.

Таълим муассасаси мослаштирилган бинода бўлиб, барча мавзулар бўйича тадбирлар тузилган, ижрочилик соҳасига эътибор қаратилган.

— Боғчамизда 140 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда, — дейди мудира Дамира Мақсудова. — Ҳозирги кунда уларнинг 120-125 нафари қатнаяпти. Соғломлаштириш ишлари учун спорт залимиз зарур инвентарлар билан жиҳозланган.

Тарбиячилардан Оделя Файзулина, Нигора Абдужабборова, Муяссар Муродоваларнинг кундалик иш юритиш конспектлари ва олиб бораётган машғулотларидан кўнглимиз тўлди. Бироқ бу ҳаммаси рисоладагидек дегани эмас.

Уларнинг айтишларича, боғчада имкон даражасида жисмоний тарбия ва спорт ишларини жонлантиришга аҳамият бериляпти. Лекин, ёз фаслида ичимлик суви етишмаслиги ва бассейн ишламаслиги ҳам аччиқ ҳақиқат.

— Республика Президентининг қабул қилган фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг бу борадаги қарори асосида туманда 14 кишидан иборат ҳомийлик кенгаши тузилди. 10 та ширкат хўжаликлари, қурилиш ташкилотлари, ўрта бизнес ва ишлаб чиқариш муасасалари ҳомийлик истагини билдиришди. Ана шу талаб ва хоҳишлар асосида жорий йилда болалар жамғармасининг туман бўлимига 30 миллион сўм пул туширишни режалаштирдик, — дейди туман ҳокими муовини Ш.Турсунбоев суҳбат чоғида.

Бугун, туманда 3 та катта стадион, 40 та футбол, 38 та волейбол, 33 та баскетбол майдончалари бор. Ва буларнинг барчаси болалар ихиёрда.

Шунингдек, жорий йилда 8 та спорт комплекси, 12 та болалар спорт майдончалари қурилиб, ишга туширилади.

***Абдузуҳур ҚОРАБОЕВ,***
***журналист***

*Футболда ютган жамоага нисбатан ишлатиладиган бир ибора бор: омад кулиб боқди. Осиё Чемпионлар лигасининг чорак финал "D" гуруҳи ўйинларида қайсидир маънода "Пахтакор"га ҳам омад кулиб боқди. Лекин бу иборанинг бошқачароқ кўриниши ҳам бор: омад фақат кучлиларгагина кулиб боқади. Бу баҳсларда "Пахтакор"нинг ҳақиқатан ҳам рақибларига нисбатан анча кучли эканлиги кўриниб қолди. Турнирдан олдин кўпчилик "Пирузи"ни фаворит деб ҳисоблашаётган эдилар. "Пирузи" эса иккинчи ўйиндаёқ мағлубиятга учради...*

# БАЛЛИ "ПАХТАКОР"!

*11 март куни ўтказилган ўйинлар ичида "Пахтакор"—"Пирузи" ўйини турнир безаги бўлди, десак янглишмаймиз. Айниқса, Анвар Солиев ўйиндаги ягона ғалаба тўпини рақиб дарвозасига йўлланганда 65 минг томошабинли стадион ларзага келган ҳолатнинг ўзигина гапимни тасдиқлайди. Ўша куни бошқа бир ўйинда "Ниса" яна мағлуб бўлди: "Талаба"—"Ниса" 3 : 0.*

*Мусобақаларнинг сўнгги кунида ҳам "Ниса" мағлубиятлар сериясини давом эттирди: "Ниса"—"Пирузи" 1:4. Иккинчи ўйин эса асосий ва ҳал қилувчи ўйин бўлди. Майдонда "Пахтакор" ва "Талаба" жамоалари саф тортишди. Ўйин жуда шиддатли бошланиб, якунлангунга қадар шу суръатда давом этди. Дастлаб ироқликлар фаолроқ ҳаракат қилишди ва дарвозамизга 2-3 та аниқ зарба йўллашди. "Пахтакор" посбони И.Нестеров эса ҳар доимгидай ўз жойида маҳорат билан ҳаракат қилди.*

*Кўпгина тажрибали жамоалар сингари "Пахтакор" ҳам ўйин тизгинини аста-секин ўз қўлига олди. Ўйиннинг 24-дақиқасида ниҳоят стадион қалқиди. Уюштирилган ҳужумларнинг бирида А.Крохмал индивидуал маҳоратини ишга солиб, чиройли гол муаллифи бўлди. Орадан кўп ўтмай биринчи бўлим якунларида ҳужумкор ҳимоячи Г.Гочкулиев ҳисобни оширган бўлса, иккинчи бўлимда яна ўша А.Крохмал Кошелевнинг аниқ узатиб берган тўпини голга айлантирди: 3-0.*

*"Пахтакор"нинг ажойиб натижаси: 3 ўйин, 3 ғалаба, голлар нисбати 7-0. 1-ўрин. Ярим финал йўлланмаси!*

*Лекин шу ўринда бир истагимизни-да баён қилиб ўтишни жоиз билдик. Маълумки, ёшлар ва ўсмирлар терма жамоаларимиз Осиё чемпионатида ярим финалга чиққан эдилар. "Пахтакор"нинг ўзи ҳам МДҲ кубогида ярим финал иштирокчиси бўлган эди. Аммо учала жамоамиз ҳам финалга чиқолмагандилар. Ўйлаймизки, бу гал "Пахтакор" бу "анъана"ни бузади ва финалга чиқади. Ажаб эмаски, ғолиб ҳам бўлса. Чунки бунга куч ҳам, журъат ҳам, иштиёқ ҳам бор. Муҳими шунда. Айтганимиз келсин-а.*

***Элмурод НИШОНОВ***

# ТАЖРИБАЛИ УСТОЗЛАР ТАЪЛИМИ

***ва уларнинг бевосита ёрдамлари асосида ишлаяпман, — дейди шаҳар ҳокимлиги жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Худоёр АҲМЕДОВ***

*Республикамиз аҳолисининг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Шунинг учун ҳам ҳукуматимиз барча соҳаларга ёшларни жалб этишга алоҳида эътибор бермоқда. Кўпгина ўғил-қизлар қобилияти, иқтидорига қараб, ҳаттоки раҳбарлик лавозимига ҳам тайинланаяпти.*

*Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган йигит ана шундай масъул лавозимда ишлайди. Унинг Самарқанд шаҳар ҳокимлиги жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раислигига тайинланганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо талабчанлиги, ўз касбини яхши билганлиги туфайли спортга қизиқувчилар эътиборини қозонди. Муҳими у спортни, спортчини тушуна билади.*

*— Бу даргоҳдаги фаолиятимга 6 ой бўлди. Тўғрисини айтсам, бошида жуда қийналдим. Чунки масъул лавозимда ишлаш кишидан нафақат билим ва ўз касбини севишни, балки тажрибани ҳам талаб қилар экан. Шунинг учун кўп йиллик малакага эга бўлган мураббийлар — оғир атлетика бўйича биринчи устозим М. Аҳмедов, юнон-рум усталари Б.Езенштейн, Т.Назаровлар маслаҳатларига таянган ҳолда иш олиб бораман, — дейди Х.Аҳмедов.*

*Вилоятимиз спортини ривожлантириш мақсадида у бошчилик қилаётган қўмита бир қанча хайрли ишларга қўл урди. Умумтаълим мактабларида, лицей-коллежларда, олий ўқув юртларида ёшларнинг қайси спорт турларига қизиқишларини ҳисобга олиб, турли тўгараклар ташкил этилди. Маҳаллаларда, меҳрибонлик уйларида, мактаб интернатларида турли хил спорт мусобақалари ўтказиш йўлга қўйилди.*

*Самарқанд шаҳрида 40 мингга яқин болалар ва ўсмирлар спорт машғулотларга жалб этилган.*

*Давр талабига жавоб бермайдиган Сортепадаги спорт мажмуи қайта таъмирланаяпти. Илгари бу ерда ёшлар фақат кураш турларини ўрганган бўлсалар, эндиликда баскетбол ва волейбол бўйича ҳам сабоқ олишлари мумкин.*

*— Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорининг чиқиши бизга жуда катта имкониятлар бераяпти, — дейди Х.Аҳмедов. —Энди мазкур қарорга мувофиқ шаҳардаги кўп қаватли уйлар олдида, маҳаллаларда спорт майдончалари қуриб, унга шу жойда яшайдиган болаларнинг эътиборини кўпроқ тортмоқчимиз. Бунда бизга қизиқувчан, спортга иштиёқи баланд болаларни ўзига ром эта оладиган педагог тарбиячилар керак бўлади. Шунинг учун ҳам маҳаллалар билан алоқамизни тобора мустаҳкамлаб, у ердаги маҳалла фаоллари ва оқсоқолларнинг фикр мулоҳазалари асосида иш юритаяпмиз.*

*Ундан ташқари, кўпчилик спорт мактабларимизда мутахассискадрлар етишмаслиги ҳам бир қанча муаммоларни келтириб чиқармоқда. Масалан, бир мураббий 2-3 та спорт иншоотларига қатнаб машғулот дарсларини ўтишга мажбур бўлаётир.*

*Шундай экан, ҳукуматимиз болалар спортини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратаётган бир пайтда, республикамиз олий ўқув юртларида, ўрта-махсус касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган педагог спортчи мутахассисларнинг сафи янада кенгайтирилса, мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлайман.*

***А. ШЕРХОЛОВ,***
***журналист***

# ЧОРАК ФИНАЛЧИЛАР АНИҚЛАНДИ

***Quvnoq startlar***

"Қувноқ стартлар" телевизион мусобақаларининг навбатдаги беллашувида Наманган вилояти Наманган туманидаги 10-мактабнинг "Умид" ҳамда Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги 2-мактабнинг "Наврўз" жамоалари учрашдилар.

Мусобақа ҳар икки жамоа аъзоларининг ғалаба учун кескин ва муросасиз курашлари остида ўтди. Дастлабки беллашувдаёқ ("Тўсиқлардан ўтиш") андижонлик ўқувчилар тайёргарлик ва маҳорат жиҳатидан устун эканликларини намойиш этишди. Улар дастурдаги 5 та учрашувда ("Ўрин алмашув", "Чаққон жуфтликлар", "Тўпни аниқ узатиш" ва "Кубикларни йиғиш") кетма-кет ғалаба қозониб, 15 очко жамғаришди.

"Умид" жамоаси аъзолари "Қўшалоқ тўплар" ва "Хўрозлар жанги" баҳсида ва иккита ўйинда ("Тўп дарвозада" ҳамда "Тезлик, чаққонлик, чидамлик") ютуққа эришишди.

Учрашувда 23:15 ҳисобида ғолиб чиққан "Наврўз" чорак финалга йўлланма олди.

***F.МАННОПОВ***

# ФАРҒОНАДА СПОРТ БАЙРАМИ

**12 март куни Фарғона шаҳридаги марказий ўйингоҳ олди байрам тусини олди. Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан маҳалла, таълим тизимидаги барча ўқув юрти ўқувчи ва талабалари, жисмоний тарбия муассасалари жамоаларидан иборат 1500 га яқин спортчилар шу куни ўзаро куч синашди. Мусобақаларни дастлаб велоспортчилар бошлаб беришди. 3 километрли масофани тез ва моҳирона босиб ўтган Фарғона шаҳрилик И. Типичёв ғолибликни қўлга киритди. Эстафетада эса қатнашчилар 10 этапда 3 км 400 метрли масофа бўйлаб беллашишди. Беллашувларда мактаб ўқувчилари ўртасида А. Холматов мураббийлигидаги Данғара тумани 18-мактаб жамоаси, коллеж ва лицейлар жамоалари ўртасидаги беллашувда Фарғона шаҳридаги 1-касб ҳунар коллежи талабалари, олийгоҳлар талабалари беллашувида Фарғона Давлат университети спортчилари шоҳсупага кўтарилишди.**

**Мусобақаларда қатнашган Қиргули туманидан ташриф буюрган Аҳмедовлар оиласи "Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи" деб номланган мусобақанинг энг яхши қатнашчилари деб эътироф этилди.**

**Спорт байрамини ниҳоясига етказган 3 км.га югуриш-баҳсида ўғил болалар ўртасида данғаралик И. Юсупов, қизлар ўртасида Фарғона саноат касб -ҳунар коллежи талабаси З. Абдуллаевалар энг тезкор югурувчи эканликларини кўрсатишди.**

**Барча ғолиблар ва Данғара туманлик энг ёш қатнашчи Д. Саиджонов 1-даражали диплом ва эсталик совғалари билан тақдирланишди.**

***Акрамжон ТУРСУНАЛИЕВ,***
***"Ma'rifat"нинг махсус мухбири***

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети механика-математика факультети жамоаси "Алгебра ва сонлар назарияси" кафедраси доценти Рўзимат Дадажоновга онаси

**МУАЗЗАМХОН ая**нинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика Университети қошидаги академик лицей жамоаси, лицей директори, педагогика фанлари номзоди, доцент Равиль Геннадьевич Исяновга онаси

**МАРИФА ая**нинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдиради.

**Bu yog'ochdan kosacha yasamoqchiman. Men katta bo'lganimda bundan sizlar ovqat ichasizlar, — deb javob beribdi bola.**



# РАНЖИТМАГИН СЕН БАҲОРНИ

## Ko'ngil bitiklari

*Барча билгай ҳақиқатни,*
*Гўзалликда баҳор танҳо,*
*Саховатда тенг келолмас,*
*Минг-минг Ҳотам ила Яҳъё.*
*Баҳор келса бурканади,*
*Бутун олам яна гулга,*
*Тўлиб кетар еру осмон,*
*Чаманзорга, қуш булбулга.*
*Баҳор сенда қудрат борки,*
*Янгиланар бутун олам.*
*Бошланади яна "Наврўз",*
*Янгиланар замин, одам.*
*Баҳор валек айтиб қўяй,*
*Манманликлар қилма бисёр.*
*Зеболигинг вақтинчадир,*
*Сақлолмайсан уни зинҳор.*
*Бу ўлкага минг марталаб,*
*Қайта-қайта келиб кетдинг.*
*Чўллар ила биёбонда,*
*Ел мисоли ўтиб кетдинг.*
*Сен билардинг қақраб ётган,*
*Мизириқ-ла, Музрабодни,*
*Учса куяр куш қаноти,*
*Истара-ю, Боботоғни,*
*Мард халқимнинг қудратига,*
*Виждони бор, таъзим қилгай,*
*Чўлни обод айлаганин,*
*Бутун халқи олам билгай.*
*Насиб бўлди Мустақиллик,*
*Барбод бўлди қайта қуллик.*
*Шайланиб кел энди Баҳор,*
*Кўрсат яна фидокорлик.*
*Баҳоро, сен назар ташла,*
*Мулки Сурхон қизларига.*
*Мафтун бўлгай қанча ўғлон,*
*Қанча полвон ҳар бирига.*
*Ҳар биттаси шукуҳликдир,*
*Ҳар бири ҳам сендек баҳор,*
*Бор вужуди ақлу тамиз,*
*Лек камтарин кайвони ёр...*
*Вализода, густохлик бас,*
*Ранжитмагин сен баҳорни,*
*Келар бўлди яна баҳор,*
*Бирга олиб жонон ёрни.*

**Юсуф ВАЛИҚУЛОВ,**
**ТерДУ доценти**

# ШАЙТОНГА ШЕРИК ҚОЗИ

Бир қози отда шаҳар томон йўл олди. Йўлда у шайтонни учратиб қолди. Шунда шайтон қозидан сўради:

— Отингда сенга ҳамроҳ бўлсам майлими, жаноб қози?

— Кел шайтон, ўтирақол, — деди қози.

Қози ўзига ҳеч кимни ҳамроҳ қилиб олмас эди, аммо у шайтондан қўрқди. Икки ҳамроҳ йўлда кетаётиб бир чўчқани қувлаб юрган одамга дуч келишди.

— Шайтонга шерик бўлгур, деб одам чўчқани қувлашда давом этди.

— Чўчқани ўзингга олақол, — деди қози шайтонга.

— Эҳ, йўқ. У шунчаки гапирди-да! — деди шайтон.

Улар йўлда давом этдилар ва йўлда кетаётиб кичкина бир болани қозининг оти босиб кетишига бир баҳя қолди. Лекин онаси болани тез бағрига босиб жаҳл устида "шайтонга шерик бўлгур", — деди боласига қараб.

— Онаси сенга болани ўз қўли билан бераяптику "шайтонга шерик бўлгур", деб олмайсанми? — деди қози шайтонга.

— Она бу сўзни шунчаки айтди, — деб ўйлади шайтон.

Улар йўлда давом этдилар. Йўлда улар кекса бир аёлни учратиб қолдилар. Бир неча кун олдин қози бу кампирни эчкисидан маҳрум қилган эди. Кампир қозини кўрди-ю ғазаб отига миниб деди:

— Сен шайтонга шерик бўлишинг керак, чунки сени камбағалларга раҳминг келмайди!

— Бу сафар кампир тўғри айтди, аввалгиларга ўхшаб шунчаки гаплар эмас, — деб, шайтон қозини ёқасидан тутиб дўзахга олиб кетган экан.

# НАБИРАНИНГ САБОҒИ

Бир замонларда бир қария бўлган экан. Уни кўзлари хиралашган, қулоқлари оғирлашиб қолган, оёқлари эса қалтирар экан. Агарда у столда ўтириб овқатланса, қошиқни яхши тутиб тура олмаслиги туфайли дастурхонга тўкиб юборар экан. Кунлардан бир куни ўғли ва келини қарияни ўчоқ орқасига, чеккага ўтқазиб қўйибдилар. Улар қарияга овқатни косачага солиб берадиган бўлибдилар.

Бир куни қариянинг қалтираётган қўллари косачани тутиб тура олмай ерга тушириб юборибди ва косача чилпарчин бўлибди. Шундан кейин унга овқатланиши учун ёғоч косача сотиб олишибди ва чолга ёғоч идишда овқат бера бошлабди.

Шу тариқа кунлар ўтибди. Шундай кунларнинг бирида ўғил ва келин стол атрофида ўтирганларида, уларнинг ўғилчаси кичик бир тахтачани кўтариб кирибди.

— Буни нима қиласан? — сўрабди ота ўғлидан.

— Бу ёғочдан косача ясамоқчиман. Мен катта бўлганимда бундан сизлар овқат ичасизлар — деб жавоб берибди бола.

Шунда ота ва она уятдан йиғлай бошлабдилар. Улар қарияни столга олиб келиб ўтқазибдилар. Шундан бери қария улар билан бирга овқатланар ва ҳатто агар овқати бир оз тўкилиб кетса ҳам ўғил ва келин ҳеч нима демайдиган бўлиб қолибдилар.

***Немис халқ ижодидан,***
***Улуғбек ИМЯМИНОВ таржимаси.***

*1999 йилда Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети томонидан Туйманова Инобат Фазиловна номига берилган № 257098 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.*

*1-Тошкент педагогика билим юрти томонидан 1996 йилда Мавланова Нигора Нурлибековна номига берилган № 136541 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.*

*Тошкент Агро-тижорат коллежи томонидан 2002 йилда Маҳмудов Олим Эргашевич номига берилган № 050821 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.*

# МАҒРУР ДАРАХТ

(эртак)

Бир мевали дарахт мевасиз дарахт билан ёнма-ён ўсар экан. Кунлардан бир куни мевали дарахт мевасиз дарахтга дебди: — Инсонларга менинг кўп фойдам тегади, чунки уларга ширин мевалар бераман. Аммо сендан ҳеч қандай фойда йўқ. Мева қилмайсан. Сенинг ўрнингда бўлганимда уятдан хижолат чекиб, қуриб қолардим.

Мевасиз дарахт қўшнисининг гапларидан ранжибди. Аммо хафалигини билдирмай сўзга оғиз жуфтлабди:

— Сен янглишяпсан. Одамларга менинг ҳам фойдам бор. Бўлмаса улар мени парвариш қилишмасди.

Мевасиз дарахт уни масхара қилишда давом этибди:

— Қандай фойда? Одамларга фойданг тегмагани билан бирга турган-битганинг зарар. Сен билан шарт бойлашим мумкин. Одамлар меҳр-муҳаббатли бўлганликлари ва сенга ачинганлари учун парвариш қилишади. Йўқса сенинг касбинг текинхўрликдан иборат.

Мевасиз дарахт совуққонлик билан жавоб берибди: — Агар яхшилаб ўйласанг, сенга ва одамларга кўп фойдам бор.

Аммо сен яхшиликнинг қадрига етмайсан. Уч-тўртта меванг билан мағрурланасан. Бир куни ўша меваларни бера олмасанг, одамлар ўша куниёқ сени арралаб, ўтин қиладилар.

Мевали дарахт кулиб дебди: — Ўҳ-ҳў! Тилинг ҳам узун экан! Бир дона мева бермайсану яна яхшилик қиламан деб даъво қиласан.

Мевасиз дарахт узоқ ўйга чўмиб, кейин сўзлай бошлабди:

— Жуда яхши. Ўзи ҳақида, қилган яхшиликлари ҳақида гапириш яхшимас. Аммо сен яхшиликларимнинг бир чекасини гапиришга мени мажбур қилаяпсан. Агар яхшилаб ўйласанг, одамлар эшик, дераза, уйларининг томини, ҳатто болаларининг бешигини ҳам менинг ёғочимдан ясайдилар. Ёғоч каравотлар, қошиқлар ва бошқа идишлар ҳам қиладилар. Меваларини бозорга ташиш учун отга арава ясайдилар. Уни ҳам менинг ёғочимдан тайёрлайдилар. Ҳатто тагингни юмшатиб туриш учун ишлатиладиган белкуракнинг дастаси ҳам мендан ясалган. Тагинг юмшагач, яхши нафас оласан. Агар ёдингда бўлса, бир куни, унда жуда кичкина эдинг, бир эшак сени емоқчи бўлди. Қўлингдан ҳеч нарса келмасди. Ўшанда хўжайинимиз сени ҳимоя қилиш учун менинг бир нечта қуриган шохларимни кесиб, мевали шохларингни кўтариб туриш учун тирговуч қилиб қўйди. Ҳозир кўп мева қилгансан. Агар мен бўлмаганимда шохларинг эгилиб, синиб тушарди. Сенга суянчиқ бўлиб, шохларингни ва меваларингни кўтариб турган менинг шохларим эмасми? Эй дўстим! Менинг бошқа фойдаларим ҳам бор, аммо ҳаммасини гапиришдан уяламан. Сенга мағрур бўлишдан кўра ширин мевалар қилиш ҳақида ўйлаш ярашади. Агар мағрур бўлсанг, меваларинг аччиқ ва бемаза бўлиб қолади. Мевасиз дарахт сўзларини тугатибди.

Шундан сўнг мевали дарахт ўзининг мақтанчоқлигидан уялиб, жим бўлиб қолибди.

***Форсчадан***
***Баҳриддин ТУРҒУНОВ,***
***таржимаси.***

# ЯПОНЧА КРОССВОРД

***Тузувчи:***
***Давронбек ТОЖИАЛИЕВ***



**ЯПОНЧА КРОССВОРДНИ ЕЧИШ ТАРТИБИ:**

Японча кроссвордни ечишда аввало қуйидагиларга эътибор бермоқ лозим:

1. Ундаги сонлар жадвалдан худди шу сон миқдорида бўяшни англатади.
2. Кроссвордни ечишда катта сонларни бўяшдан бошланг.
3. Бўяшни бўйига ва энига мос равишда тўғри бажарсангиз, бирон бир тасвир пайдо бўлади.
4. Бўялган катаклар доирага олиб қўйилгани маъқул.
5. Кроссвордни ечишда қаламдан фойдаланган маъқул.

Ma'rifat

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.*

**Бош муҳаррир:**
**Ҳалим САИДОВ**

*Таҳрир ҳайъати:* Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-210.
Тиражи 32240. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир: Назокат ХОЛМЕТОВА.
Навбатчи: Фаррух БЎТАЕВ.

*«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.*
*Ⓜ белгиси остида реклама материаллари берилади.*

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

*«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.*
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00